

ДИЁНАТИНИ СОТГАНЛАР

...Умумий ҳисобда 23 нафар жабрланувчининг 125 миллион 767 минг сўм пулини ҳамда 27 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағини ўзлаштирганлар.

8 бет

ҲУҚУҚБУЗАР ҲУҚУҚШУНОС

Кахрамон машинадан тушар экан, нимадандир шубҳаланган Абдурашид пулларни машина деразасидан сочиб юборди. Айнан ўша пайтда у қўлга олинди.

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 12-noyabr, №46 (671)

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун



ҒУРУРИМИЗ, ФАҲРИМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи 1991 йил 18 ноябрда Республика Парламентининг навбатдан ташқари 8 сессиясида тасдиқланган. У давлатнинг асосий рамзларидан биридир. Давлат байроғининг тасвири махсус қонун ва Конституция билан белгиланади. У ҳам герб ва мадҳия сингари давлат рамзи ҳисобланади. Давлат байроғи давлат муассасалари, элчихоналар, консулликлар, ваколатхоналар, божхоналар ва ҳоказо биноларда кўтарилади. Миллий байрам кунлари элчихоналар, ваколатхоналар, консулликлар ўз мамлакатини байроғини кўтаради. Давлат байроғи, шунингдек, маросимлар пайтида, халқаро спорт совринлари топирилатганда ва бошқа ҳолларда ҳам кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғида янги чиқиб келатган ой ва ўн икки юлдуз тасвирланган. Унинг бутун узунлиги бўйлаб тўқ мовий ранг, оқ ва тўқ яшил ранглар ҳамда қизил ҳошия чиқиқлар чизилган. Улар халқимиз ғурури ва келажакка бўлган ишончининг мужассам ифодаси десак, сира алашмаган бўлаемиз.

Жангларда байроқнинг душман қўлига ўтиши ёки кулаши мағлубиятга тенг бўлган. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур салтанатида давлат байроғини амрнинг энг ишонган баҳодирлари қўриқлаган. Шижоат ва мардлик кўрсатиб, душман устидан ғалаба қозонган сипоҳ ва амирлар давлат тисмоллари - туғ ва ногора билан тақдирланганини "Темур тузуклари"дан билиб олиш мумкин. Бу эса Темурбекнинг салтанатида давлат рамзлари нақадар улуғланганидан далолат беради. Ҳўш, бутун-чи? Айни пайтда давлат рамзларига, ҳусусан, байроққа муносабатимиз қай даражада?

Аввало, шунини айтиш лозимки, давлатимиз байроғининг ҳуқуқий асоси у билан бирга қабул қилинган. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонун билан мустақамланган. Байроқ ҳалқимизнинг хоҳиш-иродасини ўзига ифода этади. Давлат байроғи тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ байроқни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотлар биноларида кўтариш чоғида ушбу қонунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият уларнинг раҳбарлари зиммасига, байроқ турар жой биноларида кўтарилган вақтда эса уларнинг аъзолари ёки улардан фойдаланишни ташкил этиш топширилган мансабдорлар зиммасига юк-

тилган. Шундай экан, ҳақли савол туғилди, ҳўш, давлат байроғи қандай ҳолатда туриши керак?

Биноларнинг пештоқларига байроқни тўғри ўрнатиш, қуёш нури, ёмғир, чанг-тўзондан ранги ўчиб, эскириб қолган байроқ халқимизнинг руҳияти, кайфиятига мос келмаслигини ҳисобга олиб, қўп ишлатилган байроқни янгилаб туриш лозим. Биноларнинг асосий кириш жойларида кўтарилган байроқнинг дастасини бинонинг олд томонига нисбатан қўп билан 45 градусли бурчак ҳосил қиладиган даражада кўтариш керак. Байроқ хизмат хоналарида ўрнатилаётганда махсус мослама тағлиқда раҳбарнинг ўнг томонидан тик ҳолатда туриши, очик майдонга ўрнатилаётган байроқларнинг матоси ердан камида 2,5 метр баландликда бўлиши, биноларнинг олд томонига бошқа давлатларнинг байроқлари билан ўрнатиладиган Ўзбекистон байроғини (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан алоҳида, бошқа давлатларнинг байроқлари чап томонда Ўзбек алифбосидаги тартиб асосида, бир хил баландликда жойлаштирилади. Байроқ ёки рамз ва тисмоллар таснифи тарғиб этилаётганда, қабул қилинган тасниф асосида тўғри талқин этиш, байроқнинг тасвири туширилаётганда ёки чизилаётганда қонунда белгиланган схематик ва рангли тасвирга қатъий амал қилиш лозим. Хоналар, синф хоналари, аудиториялар, мажлис заллари, маънавият ва маърифат масканларида давлат рамзлари ўрнатилаётганда, тасвири туширилаётганда ҳаммиша олд томонда ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳа, давлатимиз байроғи Ўзбекистон Республикасининг тисмолига, халқимизнинг ғурури ва ифтихори рамзига айланди. Бунини бугун ҳаммамиз - хоҳ ёш, хоҳ кекса бўлсин, юракдан чўқур ҳис этмоғимиз лозим. Унинг қадр-қимматини кўтариш ўзини шу юрт фарзандиман, деб ҳисоблаган ҳар бир кишининг ватанпарварлик, фуқаролик бурчидир. Айниқса, ўқувчи ёшлар ва талабалар давлатимиз байроғига чексиз ҳурмат, салоқат билан муносабатда бўлишлари лозим. Шунда мустақиллигимиз мустақамланиб, Ватанимиз байроғи мангу ҳилпираб туради.

Абдурайхон МУҲАММАДИЕВ,
Қашқадарё вилоят
прокурорининг ёрдамчиси
Норбўта ҒОЗИЕВ,
журналист

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Халқимиз тинчлик ва осойишталикда ҳаёт кечирмоқда. Zero, тинчлик биз учун энг буюк нёматдир. Осойишталик бўлсагина юртва ўсиш-тараққиёт бўлади, одамлар фаровон турмуш кечиради. Ана шундай шароитда ҳаётимизнинг барча соҳаларида улкан ўзгаришларга бевосита шохид бўлиб турибмиз. Бунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, ҳар жабҳада қонун устуворлигини таъминлашга сафарбар этилган прокуратура органларининг ҳам муносиб улушлари бор, албатта. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан ҳам жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, криминоген вазиятни барқарорлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, республикада жорий йилнинг 9 ойи ачулари ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда умумий жиноят-

чилик 2,22 фоизга камайганлигини кўрсатди. Ўтиборлиси шундаки, ҳудудда ўта оғир жиноятларнинг 4,19 фоизга камайишига эришилди. Бироқ бу билан республиканинг барча жойларида ҳам ўта оғир жиноятлар камайган деб айта олмаيمиз. Айрим ҳудудларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноятчиликка қарши кураш талаб даражасида бўлмаганлиги сабабли бу турдаги жиноятлар ошган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қасддан одам ўлдириш жиноятлари Нукус, Қонлиқўл ва Тахтақўпир туманларида умуман содир этилмаган. Номустаг тегиш жиноятлари умумий ҳисобда 4,5 фоизга камайган. Бу борада олиб бориладиган тадбирлар натижасида ушбу жиноятлар Нукус шаҳрида 20 фоизга, Кегейли туманида 50 фоизга, Элликкалта туманида 100 фоизга камайишига эришилди.

(Давоми 2-бетда)

Инсон ҳуқуқи, эркинлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб масалалардан биридир. Инсон ҳуқуқлари масаласи ундаги сиёсий тинч-тим қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар бир демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади ва у муайян давлатнинг қай даражада ривожланганлигини кўрсатувчи мезон ҳисобланади. Қай-сик давлатда инсон ҳуқуқлари таъминланган экан, уни том маънода

ний манфаатларини кафолатлашда дастуриламал вазифасини бажармоқда. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги билан боғлиқ Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳисобидан инсон ҳуқуқлари таъминланган экан, уни том маънода

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

ҳуқуқий давлат деб аташ мумкин. Чунончи, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг муқаддимасида "Инсон оиласининг ҳамма аъзоларига хош бўлган қадр-қиммат ва уларнинг тенг ҳамада аяралмас ҳуқуқларининг эътирофи этилиши эркинлик, адолат ва ялпи тинчликнинг негизидир" деб эътироф қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий макведан қатъи назар, қонун олдига тенглик назарда тутилди.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан эътиборан инсон ҳуқуқлари масаласига жиддий эътибор берди. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси — бу ис-тиқлол йилларида Ўзбекистон қўшилган илк халқаро ҳужжат бўлиши билан бирга, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қону-

туциямизда инсон ҳуқуқи, уни ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар пировард тамойил сифатида эътироф этилди. Унга мувофиқ инсон манфаатлари давлат манфаатидан устун туриши муҳ-лаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясида халқаро ҳуқуқ устуворлиги принципини эълон қиларкан, турли тоифадаги фуқаролар (аёллар, болалар, ногиронлар) ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи талай халқаро конвенцияларга қўшилди ва ўз ҳудудларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун шароит яратиб бериш мажбуриятларини зиммасига олди. Буларнинг ёрқин мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими айнан шу масалага бағишланганлигидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Унда инсон ва фуқароларнинг энг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари алоҳида молла-ларда баён қилинган. Кон-ституцияга биноан қабул қилинган кодекс ва қонун-лар ҳамда Президент фар-

ликларини ҳимоя қилишда кўмаклашмоқда.

Инсон ҳуқуқлари, энг аввало, умуминсоний қадриятларга, умумжаҳон цивилизациясига, бу соҳада эришилган бошқа халқаро таърибаларга, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва меъёрларига асосланади.

Давлатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса, суд ҳокимияти илоралари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш асосий вазифа қилиб белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари кенг қўламли масалалар. Шунга кўра инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ барча воқеа-ҳодисалар, турли ижтимоий фанлар, ҳатто айрим табиий фанларнинг ҳам ўрганиш мавзуси ҳисобланади. Бунга ҳар бир фан инсон моҳияти, унинг хилма-хил фаолияти қирраларини ўрганиш билан шуғулланиш сабабидир. Инсон ҳаёти ва фаолиятининг муҳим томонларини чўқур-қўрганишда бундай алоҳидлик муҳим маъно ва аҳамият касб этади.

(Давоми 4-бетда)

(Давоми. Бошлангич 1-бета)

Кейинги йилларда фибригарлик жиноятига қарши кураш ҳам муҳим вазифага айланди. Бу турдаги жиноятларга қарши курашга кенг жамоатчилик жалб этилган, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари мунтазам йўлга қўйилган туманларда яхши натижалар қўлга

раман" деб алдаб олиб, қайтариб бермасдан яшириниб юрган. Ушбу ҳолат бўйича Нукус шаҳар ИИБ томонидан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, фуқароларга етказилган зарарни ундириш чоралари қўрилган ҳолда жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга юбо-

ишловчи Г.Бекимбетованинг иш жойига бориб, ўзини Тўртқўл туман телевидениеси ходими деб таъиништирган. Мақсади пул ундириш бўлган товламачи унинг устидан бировлардан пул олгани тўғрисида ариза тушганини ваъ қилиб, 8 таси бўйича жиноят иши фаза қилувчи органларга хабар

ёллаш билан боғлиқ жиноятлар ҳақида 82 та ариза ва шикоятлар келиб тушиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22 тага ёки 36,7 фоизга ўсган. Келиб тушган ариза ва хабарларнинг 74 таси бўйича жиноят ишлари қўзғатилиб, 8 таси бўйича жиноят иши қўзғатиш рад қилинган.

билан 6 йилга озодликдан маҳрум қилди. Худди шунингдек, Бегуний туманида яшовчи фуқаро Т.Юсупов 2008 йил июль-август ойларида шу туманда жиноятчи 21 нафар фуқарони тузоғига илтифори ради. У катта миқдорда иш ҳақи ваъла қилиб уларнинг ишончига қирган ҳамда Россия Федерациясига олиб бориб ишлатиб, иш ҳақларини бермасдан, уларга 60 млн. 342 минг сўм миқдорда зарар етказган. Тергов давомида қабиланувчиларга етказилган зарарнинг 23 млн. 139 минг сўми ундирилиб, жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга юборилди.

Шу нарсани айтиш керакки, жиноятчиликка қарши кураш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки мана шу ватанда яшовчи ҳар бир инсоннинг ҳам вазифасидир. Бунинг учун аввало, атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга эътиборли бўлишимизнинг ўзи ҳам жиноятчиликка қарши курашнинг самарали воситаси ҳисобланади. Агар биз бир ёқадан бош чиқариб фаоллик кўрсатсак, албатта, жамиятимиз ривожига ўз ҳиссасини қўша оламиз.

Салом САМАДОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурорининг ўринбосари

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

қиритилмаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Фибригарликка қарши курашнинг тадбирлари Қўнғирот, Чимбой туманларида турли йўлга қўйилганлиги сабабли бу турдаги жиноятларнинг олдини олишга эришилди. Умуман, Республика бўйича фибригарлик жиноятларига қарши кенг миқдорда тадбирлар ўтказилиб, алланиб қолган фуқароларнинг миллионлаб сўм пуллари ўзларига қайтарилиши таъминланди. Жумладан, Нукус шаҳрида яшовчи Айгул Утемуратова таниши Гулчехра Мамурова билан жиноий тил бириктириб, Нукус шаҳрида яшовчи Т.Серикбоевнинг 28 млн. сўминини, Қонлиқўл туманида яшовчи Г.Айтбоевнинг 5 млн. сўм пулини "фоизи билан қайтариб бе-

рилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бундан ташқари таҳдидлар Тўртқўл, Бегуний, Амурдёр, Қўнғирот туманларида ва Тахиятқўш шаҳрида товламачиликка қарши курашни жонлантириш кераклигини кўрсатмоқда.

Шунинг билан бир қаторда бу турдаги жиноятларни Нукус шаҳрида 66 фоизга, Хўжайлида 100 фоизга камайтиришга эришилганлигини эътироф этиш лозим. Бу турдаги жиноятларга жазо муқаррарлиги таъминланмоқда. Масалан, Хонқа туманида яшовчи, муқаддам 4 марта судланган хавфли рецидивист А.Матқулиев 2009 йил 18 август кунини Бегуний туманидаги поликлиникаларнинг бирида тиш шифокори бўлиб

беришини айтиб қўрқитади. У шу тариқа товламачилик қилиб, эвалта 10 минг сўм олаётганда ушланган. Ушбу ҳолат бўйича Бегуний туман ИИБ томонидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор суд томонидан қонуний жазосини олди.

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июль кунги "Одам савдосига қарши курашиш самараларининг ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб боришмоқда. Таҳдидлар шуни кўрсатадики, 2009 йил 10 ойи давомида одамлардан фойдаланиш учун уларни

Айрим юртдошларимизнинг одам савдоси билан шуғулланувчи кимсаларнинг пуч ваъдаларига учиб, уларнинг тузоғига тушиб қолаётгани афсусланили ҳол. Мисол қилиб айтилган бўлсак, Амударё туманида яшовчи фуқаро Ш.Отажанов 5 нафар маҳаллаошанин Кўзогистон Республикасида катта миқдорда иш ҳақи туланидиган иш топиб беришни ваъда қилиб, чув туширади. У маҳаллаошларини Кўзогистон Республикасига олиб бориб оғир шароитларда ишлатади, лекин иш ҳақларини бермасдан уларга 3 млн. 705 минг сўм миқдорда моддий зарар етказди. Мазкур ҳолатда жиноят ишлари бўйича Амударё туман суди уни айбдор деб топиб, ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми

Бозор ўз моҳияти билан аҳолига хизмат қиладиган маскан. Вилоят прокуратураси органлари томонидан виллоят ҳудудидаги бозорларда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги "Нооziк-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари" талабларининг бажарилишини ўрганиш жараёнида масалага шу жиҳатдан ёндашилди.

ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС

Виллоятимизда 2009 йил 1 август ҳолатига 29 та юридик мақомга эга бўлган бозорлар мавжуд. Мазкур бозорлар шохбўчалари билан биргаликда 44 тани ташкил қиладди. Урганишларда бозорларда санитария, ветеринария, стандарт, ёнгин хавфсизлиги ва архитектура-қурилиш қоидалари талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди.

Хусусан, виллоят бозорларида 287 та тарози ва 72 та тарози тошлари қиёсладан ўтказилмасдан, стандарт талабларига жавоб бермас-да фойдаланилишига йўл қўйилган.

Стандарт талабларига жавоб бермайдиган тоштарозиларнинг 207 таси Навоий шаҳридаги "Саховат" ОТХЖга қарашли "Марказий дехқон бозори"да, 10 таси "Гулистон" дехқон бозорида, 45 таси Кармана туманидаги "Дехқон бозори"да, 20 таси Қизилтепа туманидаги "Азизобод" дехқон бозорида, 47 таси "Учкудук дехқон бозори"да ва 5 таси Нурота туманидаги "Нурота дехқон бозори"да фойдаланиб келиниб, истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилган.

"Саховат" ОТХЖга қарашли "Марказий дехқон бозори" балансида бўлган 200 та "AGS" русумли тарози қиёсладан ўтказилмаган бўлишига қарамадан сотувчиларга фойдаланиш учун бериб келинган.

Хатто, Навбахор туманидаги "Мустанкилик" дехқон бозорида бирорта тош-тарози бўлмаганлиги сабабли сотувчилар турли хилдаги стандарт талабларига жавоб бермайдиган тош-тарозиларни фойдаланиб келишган. Шунингдек, бозорларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига ҳам риоя этилмасдан, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйиб келинмоқда. Хусусан, Навоий шаҳридаги "Навоий буюм бозори" айвонларида электр ёритиш чирокларига металл конструкциялар орқали ҳимоя қуварларисиз электр симлари монтаж қилинган.

Бозорларнинг ён томонида "Харир Навоий" хусусий корхонаси томонидан тегишли идоралар рухсатисиз дўконлар қурилиб, ёнгин хавфсизлиги қоидалари бузиб келинмоқда.

Конимек туманидаги "Конимек буюм бозори"да электр қуввати қаршилиги махсус лабораториядан ўтказилмасдан фойдаланиб келинган.

Урганишлар давомида сотувчилар бозорларда белгиланмаган жойларда, санитария қоидаларига зид равишда оziк-овқат маҳсулотларини сотаётган 318 та ҳолат аниқланган.

Айниқса, бундай қонунбузилиш ҳолатлари Навоий шаҳридаги "Марказий дехқон бозори"да, "Гулистон" дехқон бозорида, "Кармана дехқон бозори"да, "Хатирчи дехқон бозори"да, "Қизилтепа

деҳқон бозори" ОТХЖ бозорларида ва "Нурота дехқон бозори"да одат тусига кириб қолган. Хусусан, Хатирчи туманидаги "Хўжақул эшон", "Тасмачи", "Мизроб бобо", "Пармидон саховати" дехқон бозорларида оziк-овқат ва дехқончилик маҳсулотлари сотиш учун етарли шароит яратилмаганлиги сабабли санитария-гигиена талабларига зид ҳолда савдо қилишларига тўғри келмоқда.

"Хатирчи дехқон бозори"да савдо расталари оралигида чиқиндиларни ташлаш учун махсус ишлар етарлича қўйилмаганлиги сабабли, чиқиндилар савдо расталари оралигига ташланган.

Мева-сабзавот ва полдиз маҳсулотларини ювиш учун сув фонтанчалари ташкил этилмаган. Тоza

ичимлик суви билан таъминланмаган, тарози тошларини ювиш учун зарарсизлантيرувчи моддалар захираси яратилмаган, бозор чек йиғувчилари махсус халатлар билан таъминланмаган.

Қизилтепа туманидаги "Тошработ" дехқон бозорида балиқ маҳсулотларини сотиш учун махсус жойлар ажратилмаганлиги сабабли сотувчилар санитария-гигиена қоидаларига зид ҳолда ерда савдо қилишмоқда.

Ушбу бозорда 9 нафар фуқаро санитария қўрилган ўтмасдан нон ва сут маҳсулотлари билан савдо қилиб келаётганлиги бозор масъул шахслари ҳамда бириктирилган санитария ходимлари эътиборидан четда қолиб кетган.

Урганишлар давомида бозорларда мавжуд лабораториялар иши ҳам талаб даражасида эмаслиги аниқланди. "Хатирчи дехқон бозори" лабораторияси маҳсулотлар сифатини тезкор аниқлаш бўйича зарур воситалар билан таъминланмаган. Навбахор, Учкудук, Нурота, Хатирчи, Томди туманларидаги бозорларда жойлашган санитария ва ветеринария таянч пунктларига жорий йилнинг ўтган даврида 183 килограмм дезинфекцияловчи моддалар етказиб берилмасдан қолган.

Юқорида қайд этилган қоидаларнинг 5-бўлимида бозор маъмурияти юридик шахс ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларга бозорда савдо фаолиятини амалга ошириш ҳамда хизмат кўрсатиш учун шартнома асосида савдо ўринларини бериш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган бўлса-да, айрим бозор раҳбарлари томонидан шартномалар тузилиши тўлиқ йўлга қўйилмаган. Масалан, "Зарафшон-Наврўз" МЧЖ раиси томонидан бозорда мавжуд бўлган 433 та раста учун жорий йилнинг ўтган даврида фақатгина 296 таси билан шартнома тузилган, ҳолоc.

Туман ва шаҳар ҳокимларининг ноқонуний қарорлари асосида бозорлар ҳудудидан савдо дўконлари қурилиши учун ер ажратилиши оқибатида архитектура-қурилиш қоидаларига зид қурилышлар олиб бориладган.

Биргина Зарафшон шаҳридаги "Поле чудес" бозори ҳудудида 115 та савдо дўкони мутахассислар томонидан ноқонуний равишда қурилган деб топиладган.

Сўзимиз бошида айтганимиздек, бозорлар халқ эътиёжи учун хизмат қиладди. Шундай экан, улар ҳар томонлама қулай, санитария-гигиена ва бошқа талаблар таъминланган ҳолда бўлмоғи шарт.

Ашраф ЖўРАЕВ,
Навоий виллоят прокуратураси
бўлим катта прокурори

ОДАМ САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ

Анджонлик Ольга Орлова таниши Наташани ресторанда мўмай пул ишлаб олишига ишонтириб, алдаб Қўзогистон Республикасининг Олмаота шаҳрига бошлаб бортан. Салкам бир ой мобайнида танишининг уйда фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаб ушлаб турган.

Суд мажлисида О.Орлованинг жиноий қилмишлари ўз тасдиғини топиб, тегишли жазо таъинланди.

Шунингдек, айрим "ишбилармонлар" фуқароларни қўшини мамлакатларга гаприқонуний равишда олиб бориб, паспортларини олиб қўйган ҳолда қурилишларда, цехларда қўл каби ишлатган, иш ҳақларини бермаган ҳолатлар бўйича жиноят ишлари қўзғатилди. Шаҳарда ўтган йил мобайнида 4 та, бу йил 12 та одам савдоси жиноятлари фош этилиб, судга қўрилди. Ушбу жиноятга қўл урган шахслар тегишли жазого тортдилди.

Бу каби жиноятларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар прокуратураси тарбиёт тадбирларини кучайтирмоқда. Маҳаллий матбуот нашрлари ва телевидениедаги чиқишларда жиноий ишлар мисолида фуқаролар огоҳликка, алданиб фибригарлар турига тушиб қолмасликка даъват этилмоқда. Хусусан, ана шу мавзуда телевидениеда уч маротаба кўрсатувлар ташкил этилди. Виллоят ва шаҳар миқёсидаги газеталарда 6 та мақолалар эълон қилинди. Шаҳар кўчаларида 124 та баннер - шитлар гавжум, қўзга қўйнарли жойларга ўрнатилди. 24 минг донга плакат ва буклетлар тайёрланиб ишхоналарга, МФЙларга тарқатилди. Билим юртлари, 76 та МФЙларнинг барчасида ҳуқуқ-тарбиёт органлари ходимлари суҳбатлар ўтказишди. Одам савдоси тўғрисидаги қонун ва унга қарши курашни кучайтириш борасидаги Президентимизнинг қарори мазмун-моҳиятини шарҳлаб беришди.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларининг таҳлили жабранувчиларнинг аксарияти бир жойда муқим ишлмагани, серларомад иш топиб беришни ваъда қилган фибригарларнинг тузоқларига тушиб қолганларидан далолат беради. Шаҳар прокуратураси шаҳар ҳокимлиги, бандликка қўмақлаш маркази ва бошқа тааллуқли идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, касаначилик асосида иш юритишни ривожлантириш борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш, янги иш ўринлари яратилишини рағбатлантириш воситасида одам савдосини келтириб чиқарувчи билвосита сабабларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Хорижда ишлаб қайтганлар ихтиёрий тиббий қуриклдан ўтишяпти. Шаҳардаги корхоналарга ишга жойлаштириляпти. Хусусан, бу йил шаҳарда 10 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилиб, ўтган 9 ой мобайнида инвестициялар ва маҳаллий маблағлар ҳисобига корхоналарнинг ишга туширилиши, қайта қурилиши, кенгайтирилиши, жаҳонда юз берган молиявий-иқтисодий инқирознинг мамлакатимизга таъсирини минималлаштириш бўйича алоҳида дастур ижросининг таъминланлиши натижасида 7 минг 500 га яқин фуқаролар ишга жойлашди.

Шаҳар прокуратурасининг таъаббуси билан шаҳар ҳокимлиги, бандликка қўмақлашувчи марказ, маҳалла хайрия жамғармаси ўзaro ҳамкорликда 7 маротаба ўтказган бўш иш ўринлари ярмаркалари бесамар қолмади. Виллоят савдо-саноат палатаси биноси, А. Навоий номли маданият ва истироҳат боғи, виллоят ўқувчилар саройи, болалар боғида бўлиб ўтган ушбу тадбирларда 404 та корхона ва ташкилотлар ўзларидаги 1849 бўш иш ўринларини тақдир этишди. Ярмаркаларга таширф буюрган фуқароларнинг 1000 нафарга яқини, шу жумладан, 374 нафар аёллар, 4 нафар жазони ўташ жойидан қайтганлар ва 590 нафар ёшлар ўзларига мақбул касб-корлар бўйича ишга йўлланмалар олишди. Уларнинг салкам 900 нафар айлани чоғда турли соҳаларда ишляшяпти. Муқим ишга жойлашганларнинг аксарияти билим юртларини битирган ёшлардир.

Шаҳардаги университет ва урта институтнинг, 28 та касб-ҳунар коллежлари ва лицейларнинг битирувчиларини доимий иш билан таъминлаш диққат марказимизда бўлиб келмоқда. Касб-корларига мос турли корхона ва ташкилотларда ишляшлари учун йўлланмалар берилмоқда. Юборилган жойларда доимий ишляётганлари ўрганилиб, бирон-бир сабаб билан ишга бормай қўйган ёшларни қайта ишга жойлаштириш чоралари кўрмолмоқда. Шу тариқа одам савдоси ва бекорчилик туйфали солид этилувчи бошқа жиноятларнинг олди олинмоқда.

Абдувахоб ТУРҒУНБОВ,
Анджон шаҳар прокурорининг ўринбосари

Мамлакатимиз фуқаролик жамиятини барпо этишининг ўзига хос йўлини танлади. Президентимиз раҳбарлигида соҳибдорилик билан иқтисодий, сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий ислохотлар ўтказилмоқда. Бу жараёнда аҳоли кенг қатламлари ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бозор иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучи - рақобат кучайгани сари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқлари сезиларли суръатларда ривож топмоқда. Истиқлол тафаккурини дунёқарашиларни ўсиб бораётган фуқаролар, мустақиллик йилларида қатта ҳаётта қалам кўйган айтил авлод вакиллари мулкдорлик ҳуқуқидан фойдаланиб, танлаган

сўмлик 6 та "ХУНДАЙ" санитария автотранспорт воситалари берилган. Кишлоқ жойларида яшовчи 1300 нафар пенсионер, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга бепул йўлнамалар ажратилиб, санаторий-курорт муассасаларига юборилган.

Вилоятда 2009-2010 ўқув йили учун 1 та академик лицей, 17 та касб-хўнара коллежи ва 1 та 50 ўринли ётоқхона биноси қуриб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган бўлиб, йилнинг ўтган даври давомида ушбу объектларда 31 млрд. 301,3 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, вилоятнинг кишлоқ жойларида жойлашган ва мукамал реконструкция қилиниши белгилан-

Чунончи, вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси билан Шўрчи туманидаги "Фарҳод Холлиёров" МЧЖ ўртасида 2007 йил 9 июнда тузилган пудрат шартномасига асосан пудратчи томонидан Сароисёе туманидаги "Тамуш" кишлоғида бюджетдан ажратилган 35233 минг сўмлик маблағ ҳисобидан ичимлик суви иншооти 2007 йил август ойида қуриб фойдаланишга топширилиши лозим эди. Бироқ ушбу сув иншооти ҳозирги кунга қадар қуриб фойдаланишга топширилмагандан, ажратилган 1539 минг сўмлик бюджет маблағлари пудратчи "Фарҳод Холлиёров" МЧЖ раҳбарлари томонидан талон-торож қилинган.

си томонидан жиноят иши қўзғатилган.

Вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда прокурор назорати янада кучайтирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига пугур етказилаётган ҳолатлар юзасидан қатъий чоралар қўрилмоқда. Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, иш ҳақи, пенсия ва нафақа тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли бандлигининг таъминланиши, соғлиқни сақлаш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тadbirkorlik субъектларининг

режаси 1 млрд. 350 млн. сўм бўлсада, амалда атиги 712,5 млн. сўмга яъни 52,7 фоизга бажарилган, холос.

Мансаб соҳтакорлиги, бюджет интизомини бузиш иқтисодиётининг оқшига сабаб бўлувчи қусурлардан биридир. Бобоқул Шодмонов "Сурхондарё йўл ва кўприк қуриш" ОТАЖ бошқарув раиси бўлиб ишлаган даврида ўз ваколатидан қасддан фойдаланган. У ва мазкур жамиятнинг бошқа бир қанча мансабдор мутасаддилари "Ақфалласт-Термиз" МЧЖ, "Фаввора-Тара" МЧЖ, Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси "Сурхондарёавтйўл" ҳудудий йўллардан

Фафур БАРНОЕВ,
Сурхондарё вилоят прокурори

ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

соҳаларида билим, тажриба ва қобилиятларини ишта солиш, унумли меҳнат қилиш эвазига муносиб ҳаёт кечириш имкониятларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни давом эттаётган, қўллаб-қувватлашга иқтисодий пайсаниш кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистонда 2004-2008 йиллар мобайнида яппи ички маҳсулот ҳажмининг 2,6 баравар ўсгани мамлакатимиз иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар амалий самара бераётганини яққол исботлаб турибди. Кенг қўламли ислохотларнинг бош мақсади фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий сийосатнинг асосини ташкил этади.

Ортимизда иқтисодиётнинг реал сектори юқини енгиллаштириш йўли танланди. Солиқларни камайтириш ва давлат томонидан ёрдам кўрсатиш норматив ҳужжатларда аксе этирилиб, ҳаётта таъбиқ қилинмоқда. Ишлаб чиқариш соҳалари ички бозор ҳўҳиёларини қондиршга йўналтирилган. Экспортни ривожлантирган корхоналар ҳар жиҳатдан рағбатлантирилмоқда.

Кишлоқда фермерликни ривож топтиришга, тadbirkorlikни, айниқса кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга, жумладан, уларнинг кредит ва бошқа моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган қонунчилик ижроси устидан доимий назорат олиб боришмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Бош прокуратуранинг 2009 йил 2-ярмига белгиланган иш режасига мувофиқ, "Кишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси юзасидан маҳаллий ҳокимликлар, молия, меҳнат, соғлиқни сақлаш, ҳалқ таълими вазирликлари, архитектура ва қурилиш бошқармалари, лойиҳалаш ташкилотлари ва бошқа мутасадди идораларда текширишлар ўтказилди.

Вилоятда ишлаб чиқилган "Кишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили" ҳудудий дастурида 2009-2012 йилларда жами 281,6 млрд. сўм, шундан вилоят ташаббуси билан киритилган 40 та банд учун 16,8 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Хусусан, 2009 йилга белгиланган тadbirkorlik учун 190,3 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилиши қўзда тутилган.

"Саломатлик-2" лойиҳаси таалаблари асосида вилоятдаги узок тоғ ва чўл ҳудудларида жойлашган кишлоқ участка шифохоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида улар 11 та "Дамас" русумли автомашиналари билан таъминланган. Бундан ташқари, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини яхшилаш мақсадида туманлар тиббиёт бirlashmalarига 7 та "УАЗ" русумли, 16 та "Дамас" русумли замонавий жиҳозланган автомашиналар ажратилган. Республика шoiшинли тиббий ёрдам илмий маркази Термиз филиали субфиллиалларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Корея Республикаси ҳўкуматининг грант маблағлари ҳисобига ҳар бири 29,8 млн.

ган, 19,3 минг ўқувчи ўринга эга бўлган 68 та мактабда 18790,8 млн. сўмлик қурилиш-монтаж, 36,3 минг ўқувчи ўринга эга бўлган 79 та мактабда эса 5353,4 млн. сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Замонавий уй-жой қурилиши ҳам жадал суръатларда олиб борилаётган. Жорий йил сентябр ойининг биринчи ярмида мамлакатимиз пойтахтида кишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси намойиш этилди. Мазкур кўргазма режалаштирилишидан олдин йил мобайнида Президентимизнинг кишлоқда уй-жой қурилишини сифат жиҳатдан яхшилаш ва кенг йўлга қўйишга оид қарорлари эълон қилинди, "Кишлоққурилишлойиҳа" институти ташкил этилди. Бу ишларни молиялаштириш, кредит негизини яратиш мақсадида "Кишлоққурилишбанк" фаолияти йўлга қўйилди. Хусусан, вилоятимизнинг учта туманида шаҳар типидagi, ҳамма шарт-шароитларга эга бўлган, ёш оилаларга мўлжалланган кишлоқ посёлкалари барпо этилмоқда. Ҳозирги кунда Шеробод тумани "Селлон" массиви, Термиз тумани "Лимонзор" массиви, Жарқўрғон тумани "Оқтепа" массивининг ҳар бирида 20 талдан уй-жой қурилиши бўйича ер участкалари ажратилиб, пудратчилар томонидан қурилиш ишлари бошлалаб юборилган. 2010 йилда аҳоли буюртмаларига асосан 719 та уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Бундай ижобий ўзгаришлардан дил қувонади, албатта. Лекин 2009 йил "Кишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги "Кишлоқ аҳоли яшаш жойларини сув ва табиий газ билан таъминлаш йилида яхшилашга доир қўшимча чора-тadbirkorlikлар тўғрисида"ги 405-сонли қарори ҳамда аҳолига транспорт қизмати кўрсатиш, ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда бир қатор жиддий қонунбузилиш ҳолатлари содир этилганлиги аниқланган.

Вилоят аҳолисининг табиий газ билан таъминланиш даражаси 2007 йилда 61,2 фоизни, 2008 йилда 62,7 фоизни, ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 2007 йилда 80,4 фоизни, 2008 йилда 81,6 фоизни ташкил этган.

Кишлоқ жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш қомиссиялари томонидан Инвестиция дастурига киритилиб, бюджет маблағлари ҳисобидан қурилаётган сув ва газ иншоотларининг аҳолига фойдаланиш учун топширилиши текширилмаганлиги ва мазкур соҳа эътибордан четда қолдирилганлиги боис 2006-2008 йилларда қурилиши ақуланганган объектлар давлат қабул қомиссияси томонидан қабул қилиб олинган.

Айрим жойларда ажратилган маблағлари талон-торож қилиш ҳолатлари учраётгани афсусланарлидир.

Мазкур ҳолат юзасидан Сароисёе туман прокуратураси томонидан "Фарҳод Холлиёров" МЧЖ бошқаруви раиси Т.Холлиёров ва бошқа масъул ходимларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, "Сувқурилиштаъмирлаш" хусусий корхонаси томонидан Музработ туманидаги "Оқтош" ичимлик суви ишлаб чиқариш қувурини мукамал таъмирлаш учун ажратилган бюджет маблағлари талон-торож қилинганлиги ҳолатлари аниқланди. Музработ туман прокуратура томонидан Музработ ичимлик суви ишлаб чиқариш ва сотиш корхонаси бошлиғи З.Ражабова ҳамда "Сувқурилиштаъмирлаш" хусусий корхонаси бошлиғи Э.Донаевларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Текширишлар шаҳар ва туман ҳокимликлари, кишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича туман комиссияларининг бу соҳадаги фаолиятлари қониксарсиз эканлигини қўрсатди.

Жумладан, дастурга киритилган Бандхон туманидаги "Дустлик" кишлоғида 2003 йилда, "Кириш" кишлоғида 2004 йилда, "Шакарлиота" кишлоғида 2005 йилда, "Янгиҳаёт-қалдирғон" ва "Гулбоғ" кишлоқларида 2006-2009 йилларда марказлашган ичимлик суви иншооти қурилиш режалаштирилган бўлсада, бироқ ушбу кишлоқларда шу кунга қадар сув иншооти қуриб, фойдаланишга топширилмаган.

Туман аҳолисининг табиий газ билан таъминланиш даражаси 14 фоизни ташкил этса-да, табиий газ этиб бормаган ҳудудларини суьоттирилган газ билан таъминлаш режаси дастурига киритилмаган.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда кишлоқ жойларини ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича туман комиссиялари томонидан ўз маблағлари ҳисобига сув ва газ таъминоти шохобчалари ва тармоқларини қураётган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда фуқароларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш эътибордан четда қолганлиги сабабли айрим ҳолатларда ушбу соҳада жиддий қонунбузилишга йўл қўйилган.

Хусусан, Олтинсой туманидаги "Сувқоғ" корхонаси раҳбари П.Тоғаймуродов ва бошқалар Тўхтамин маҳалласида яшовчи 70 нафар фуқаролан ичимлик суви қувурлари ўтказиб бериш учун 3809 минг сўм ва "Маланган" маҳалласида яшовчи 17 нафар фуқаролан 5309 минг сўм пул йиғиб олишган. Фуқаролар тоқат билан кутишди, бироқ бу қурилишдан, на пуддан дарак бўлмади. Кейинчалик матлум бўлишича, юқорида номлари зикр этилган "шовво"лар маблағларини ўзлаштириб юборган эканлар. Мазкур ҳолат юзасидан Олтинсой туман прокуратура-

ҳуқуқий ҳимоясига оид қонунчилик ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, йилнинг ўн ойи мобайнида 54 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиб, режа 107,2 фоизга бажарилди. Вилоят саноат корхоналарида 2932 та касаначилик иш ўринлари яратилиб, улар кучи билан 569,2 млн. сўмликдан ортққ турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришди.

Афсуски, бу соҳадаги айрим қонунбузилиш ҳолатларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Чунончи, Термиз шаҳар вақтинчалик ишларни ташкил этиш бюроси томонидан вақтинча иш изловчи сифатида рўйхатга олинган 493 нафар, Денов туман бюроси томонидан рўйхатга олинган 1146 нафар фуқарони вақтинчалик иш билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тadbirkorlikлар ишлаб чиқилмаган. Йилнинг ўтган даврида меҳнат ва бандлик тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра 1165 та прокурор назорати ҳўжжатлари қўлланган.

Иш ҳақида ажратилган бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ҳолатларининг таълим соҳасида ҳам манжуллиги ажабланарли ҳолат. Жарқўрғон туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактаби ҳисобичси И.Худойназаров тўлов қайдонмаларига иш ҳақларини қўйиб ёзиш, ҳўжжатларни қалбақлаштириш орқали салкам тўрт миллион сўм маблағи шахсий манфаати йўлида ўзлаштирганини қандай баҳолаш мумкин? Шунингдек, вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг собиқ ректори А.Саломов, собиқ бош ҳисобчиси Қ.Умаров ва бошқалар ўзaro жиноий тил бириктиришган. Улар ҳодимларнинг иш ҳақлари сифатида банкдан берилган ва институт кассасига кириш қилинган 50,1 млн. сўм нақд пулни эгаларига тарқатмасдан, тўлов қарақаларига қалбаки имзолар қўйишиб, жуда кўп миқдордаги ўзгалар мулкани талон-торож қилишган. Бунга ўхшаш мисолларни яна келтириш мумкин.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан коммунал тўловлар ундирилиши аҳолини ўрганиш, мавжуд қардорликларни бартараф этиш юзасидан 520 та прокурор назорати ҳўжжатлари қўлланган, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 20 та жиноят иши қўзғатилган.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қидарктиришга қаратилган қонунлар ижроси таҳлил қилинганда, жойларда солиқ органлари, банк муассасалари, инкассация хизматлари ҳамда ҳокимликлар томонидан бу борадаги ҳамда чакана савдо ҳамда аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг ривожлантириш, нақд пул тушумини инкассация қилиш, уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда банкларга кириш қилинишини таъминлаш соҳасидаги ишлари лозим даражада ташкил этилмаганлиги матлум бўлмоқда. Жумладан, Олтинсой туманидаги савдо ташкилотларининг шу йил сентябрь ойи учун нақд пул тушуми

фойдаланиш ташкилотларининг масъул шахслари билан жиноий тил бириктирган ҳолда расмий ҳўжжатларга сохта маълумот ва ёзувлар кириштиб, қалбақлаштириш ва уларни юқори ташкилотларга тақдим этиш, шу йўл билан жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш ва талон-торож қилиш, бюджет интизомини бузиш жиноятларини содир этишган. Прокуратура органлари томонидан бу каби жиноятларга жазо муқаррарлиги таъминланмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 11 сентябрдаги "2009 йил ҳисоли пахта ҳомашисини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишни таъминлашга доир ташкилий чора-тadbirkorlikлар тўғрисида"ги қарори ижроси устидан қатъий прокурор назорати ўрнатилди. Ўтказилган мониторинг давомида мансабдор шахслар томонидан жиддий қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Жумладан, Узун туманидаги "Хосият" фермер ҳўжалиғи иш юртиувчиси Н.Эшонқулов ОАТБ "Саноатқурилишбанк" Шарғун филиали Узун кичик банкни мансабдор шахслари билан жиноий тил бириктириб, терминчиларга тарқатилиш лозим бўлган 1,5 млн. сўмдан 479 минг сўмини эгаларига тарқатган, холос. Қолган қисмини тўлов ведомостларига сохта имзолар қўйиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Мансабдор шахслар томонидан ер майдонларининг фуқароларга қонунсиз бериб юборилиши ҳам кеирилмаас ҳол. Хусусан, Ангор тумани ҳокимлиги масъул мансабдор шахслари томонидан фуқаро Ш.Назарова 2 гектар ер майдони иссиқхона, қорювулхона ва тайёр маҳсулотлар омбори қуриш учун қонқонун ривашида ажратиб берилган. Шунингдек, бир қанча фермер ҳўжаликларига тегишли ер майдонларидан 15 нафар фуқаро ўзбошимчилик билан уй-жой қуриб олишларига шароит яратиб берилган. Бундан ташқари, "Керагтош" массивидан 12 гектар ер майдони гўёки деҳқон ҳўжалиғи юртиш учун 93 кишига ажратиб берилганлиги ҳақида сохта қарор қабул қилинган. Фермер ҳўжаликларига қарашли 4,5 гектар бог ҳокимлик захира ер фондида қайтарилиб, 13 нафар фуқарога деҳқон ҳўжалиғи юртиш учун қонқонсиз ажратиб берилган. Туман ҳокимлиги мансабдор шахсларига ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Худди шу каби қонунбузилиш ҳолатлари Қизилқир, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Шеробод туманларида ҳам содир этилган.

Кишлоқ ҳўжалиғи соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тadbirkorlikлари натижасига кўра 7929 та прокурор назорати ҳўжжатлари қўллангани, қонунга зид ҳўжжатларга нисбатан 382 та протест келтирилди, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 431 та тақдиминома киритилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 55 та жиноят иши қўзғатилди, 187 нафар шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

(Давом. Бошланиши 1-бетда)

Инсон ҳуқуқлари ўзбек миллатининг турмуш тарзида, аънавий ҳуқуқий маданиятида, миллий дунёқараши ва мафкурасида муҳим ўрин тутган. Инсон ҳуқуқларини тўла қарор топтиришда миллий, маънавий, диний-ахлоқий ва тарихий меросимизга, мафкурамиз гоёларига таянилганини таъкидламоқ керак.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси ҳозирги вақтдаги энг жиддий миллий қаторига кирди. Бундай ҳуқуқларнинг универсал тусга эгаллиги ушбу муаммони дунёдаги ҳамма мамлакатлар учун ҳам умумий аҳамиятга эга қилиб қўяди, чунки инсон ҳуқуқлари бузил-

Хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган зуравонликни тугатиш оддий муаммо эмас. Унинг ечим қўлаб-қўлаб омиллари, шу жумладан, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилиши, унинг умумий маданияти, савияси, фуқаролик жамиятининг етуқлиги даражаси, демократия ва бошқаларга боғлиқ. Ушбу муаммони ҳал этиш учун давлат ва жамиятнинг биргаликдаги куч-ғайратлари талаб этилади. Шунинг учун фақат ҳуқуқий тусдаги чора-тадбирлар етарли бўлмайди.

Жаҳон миқёсида бўлидиган воқеалар умумий характерга эга эканлиги ва мазкур умумий ха-

лаганидек, "Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий қафолатларини рўйбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак".

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси муваффақият билан амалга оширилишида ижтимоий-сиёсий демократлаштириш, модернизациялаш муҳим аҳамиятга эга. "Демократия" сўзи сиёсий фалсафий тушунча сифатида халқ ҳокимиятичилиги, сайлов тизими, инсон ҳуқуқлари, ҳуфрфиклилик (платаризм), виждон эркинлиги, парламентаризм, сиёсий онг ва сиёсий маданият, жамият ва

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантаналардаги нутқида: "Бугун жаҳонда, ақин ва узоқ атрофимизда бўлаётган кескинлашув ҳолатлари, умуман бутун дунёда сақланаётган хавф-хатар ва қарама-қаршиликлар, шулар қаторида, аввало, халқаро май-

Бутун мунтазам равишда касбий ва маънавий-ахлоқий тақомиллашув, юртва саноат билан хизмат қилиш, Ватанга садоқатли бўлиш ҳар биримизнинг ўй-фикримиз бўлмоғи лозим. Чунки биз - улкан бунёдкорлиги, мардона меҳнати билан дунёни ҳайрон қолдираётган ва инқироз даври давом этаётган бугунги кунда қўлаб-қўлаб равишда давлатларга наму-

ОГОҲЛИК ДАВР ТАЛАБИ

донда давом этаётган молиявий инқирознинг ўзи бизни янада сезгир, ҳушёр ва огоҳ бўлишга ва ўз вақтида тегишли ҳулосаларни чиқаришга даъват этади", - дея таъкидлаган эди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган экан, оммавий ишисизлик ва инқирозга хос бўлган моддий, молиявий ва ижтимоий кескинлик юзга келади. Бу ҳолат терроризм, экстремистик ташкилотлар жиноий фаолиятларининг кўайишига олиб келади. Бу эса атрофимиздаги мамлакатларнинг мураккаб иқтисодий ва ижтимоий ҳолатлари, хавфсизлигимизга нисбатан бўлаётган замонавий хавф ва таҳдидларни, дунё ва минтақада содир бўлаётган воқеалар ривожини диққат билан кузатиш ҳамда таҳлил қилиш, ундан ўз вақтида тегишли ҳулосалар чиқариб олишимиз лозимлигини кўрсатади.

Миллий хавфсизлик - бу сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ахборот, экологик, маънавий-ахлоқий ва бошқа характердаги масалалардир. Демак, асосий масалалардан бири онгизимизнинг маънавий-ахлоқий томонига алоҳида эътибор қаратишдан иборат. Зеро, Президентимиз инсон тарбиясининг маънавий-руҳий ва ахлоқий муаммоларига катта эътибор қаратганига гувоҳ бўламиз.

Президентимиз ўзининг "Юсак маънавият - энгилмас куч" асарига шундай деган: "Инсониятнинг кўп йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зуравон ва таъвоқзор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундиришмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор уни кул-сизлантиришга, уни энг буюк бойлиги бўлиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бунинг тасдиғини узоқ ва ақин тарихдаги қўлаб мисолларда аққол кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади".

Шу сабабли миллий хавфсизлик муаммоларини ҳал қилар эканмиз, халқимизни янги ҳаёт, янги жамият асосларини қўраётган ҳозирги мураккаб ва таҳдиқалии замонада одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, келажақ авлодларимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, шахсий ва давлат манфаатларини бир бутунлиқда қамқаб олиш масаласини асосий вазифа қўямиз.

Ўсиб ўтган 18 йил бизга мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, давлатимиз иқтисодий қудратини замонавий технологиялар даражасига кўтартиш, мамлакат мудофса салоҳияти ва Қуролли қўраҳимиз жағовар шайлигини янада тақомиллаштириш имкониятини берди.

на бўлаётган келажаги буюк мамлакатимиз.

Бизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги муваффақиятларимиз шак-шубҳасиз улкан. Аммо бу бепарволик ва бағамликка берилишимизга асос бўлолмайди. Ақсича, эришилган муваффақиятлар билан фахрланар эканмиз, биз доимо давлатимиз раҳбарининг ҳозирги замон шароитида фақат яхши тайёргарликка эга бўлган, кучли, ҳар томонлама бутланган ва ижтимоий ҳимоя қилинган Қуролли қўраҳимга хавфсизлик ва барқарорликнинг, чегараларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий ахиллигининг, тинчлик ва осийишталлик, мамлакатимиз таянч ва ишончли қафолати бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қўрастмаларини ёлда тутмоғимиз зарур.

Ҳарбий ҳизматчиларимиз Ватанимизни кўз қорачиғиди асрашга, ўзларининг қабих нияти ва ғаразли мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайидган терроризм қўлағарга самарали қаршилиқ қўрастишга доимо шай туришлари лозим. Улар пухта билим ва масъулият, юқори ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, мустаҳкам гоёвий тобланиш, сайқалланган маънавий-жағовар ва руҳий сифатларга эга бўлишлари керак.

Шунингдек, ёшларимиз, ҳарбий ҳизматчиларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юқсаттиришда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратишимиз жоизки, ҳозирги мафкуравий, гоёвий-ахборий ҳуружлар ва маънавий таҳдидларга қарши гоёга қарши гоё, жағовлатга қарши маърифат билан қурашиш асосий мақсадимиз эканлигини қўрастиб бормоғимиз лозим.

Бугунги кунда мамлакатимиз Президентини, Қуролли Қўраҳим Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳарбий қурилишнинг асосий йўналишлари, ҳарбий ислохотнинг устувор тамойиллари Қуролли Қўраҳим тобора ошиб бораётган қудрати, уларнинг юқори жағовар шайлиги ва мустақиллигимиз, тинчлик ва осийишталлигимизга нисбатан ҳар қандай таҳдидларга муносив жавоб қайтаршга қодирлигини таъминлаётганини таъкидлашга барча асослар бор.

Шундай экан, Ўзбекистонимизни янги марраларга, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш борасида бизнинг ширимиз ҳам-жиҳатлиқ, аҳиллик ва фидойилик бўлмоғи керак.

Президентимиз айтганларидек: "Агар биз аҳил бўлсак, энг юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайд!"

Бахтиёр МИРМАХМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

майдиган мамлакатнинг ўзини топиш қийиндир. Масалан, биргина аёллар ҳуқуқларини олиб қўрсак, ҳозирги даврда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари-га ривож қилиниши соҳасида нўжудга келган вазият жаҳон ҳамжамиятини қаттиқ таъшишга солмоқда. Аёлларнинг эркаклар билан ҳуқуқий тенг-лигига эришиш борасидаги муайян ютуқларга қарамадан бу барибир орзулигича қолиб келмоқда.

БМТнинг маълумотларига қараганда, дунёда миллионла-аёллар жисмоний зуравонлик хавфи остида яшайдилар. Кўпичча ўғил боланинг туғили-шини афзал биладилар, она қорнидаги боланинг жинси аниқланган ҳолда эса ҳомилан-нинг сунъий равишда туши-рилишига ҳам сабаб бўлади.

Хотин-қизлар ҳозирги вақт-да зуравонлиқнинг ҳар ҳил турлари-га дуч келмоқда. Улар олди-сотди ва ўғирликлар объект-ига айланиб, фоҳиша-хоналар-га, шоу-бизнес соҳа-ли-га тушиб қоляпти. "Эйша-Уотч" ташкилоти ва Хотин-қиз-лар ҳуқуқлари бўйича гуруҳ маълумотларига кўра, камиди 20 минг аёл Таиланддаги фоҳишахоналарда хизмат қўра-стилади. Кўпчи юрчи муаммо-ларига доир халқаро ташкилот-ларнинг маълумотларига би-ноан, ўз мамлакатларидан чет-та чиққан хотин-қизлар кўпичча фоҳишахона эгаларига пуллаб юборилади. Уларнинг ҳўжат-лари тортиб олиниб, қамоқ ҳолати-да тутиб турилади. Улар қочишга уринишганида жис-моний зуравонликка, ўз оила-лари шаънига қарши таҳдид-ларга дуч келишади.

рактерга эга муносабатлар бе-восита ҳусусий муаммолар на-тижасида нўжудга келишини эътиборга олсак, ҳар бир дав-лат инсон ҳуқуқларига оид си-ёсатини ўз ҳудуди доирасида муайян меъёрга солиши лозим бўлади. Ўзбекистон Респу-бликаси Президентини Ислам Ки-римов таъкидлаганидек, "Жа-мийятнинг демократик ўзгариш-лар йўлидан нечоғли илгарил-аб кетгани шу жамиятнинг аёл-ларга бўлган муносабати унинг ма-ланий-маърифий савиясини белгилайди".

Агар инсон, у аёл ёки эркак бўлишдан қатъи назар, би-ринчи навбатда мавжуд қонун-ларга ривож қилиб яшаса, унинг ҳуқуқларининг таъминлиниш даражаси юқорироқ бўлади. Пре-зидентимиз таъбири билан ай-тганда "...давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини қамқаб турган бўлади. Шунинг барибариди барча одамлар қонунларга сўзсиз ривож қилиш-лари шарт".

Инсоннинг ҳаётда соғлом турмуш тарзига эга бўлиши учун унга давлат томонидан яратилган ва қафолатланган ҳуқуқларини тушунтириш ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Чунки мавжуд ҳуқуқ-ларини билмаслик ҳам баъ-зи ҳолларда одамларнинг дав-лат сиёсатидан муайян тарз-да норозилигига олиб кели-ши мумкин. Биз ҳуқуқшу-нослар биринчи талда одам-лар уларнинг ҳуқуқ ва эр-кинликларини тушунтири-шимиз ва шундан кейинги-на уларнинг бўзилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш-га киришишимиз лозим. Зеро, Юртбошимиз таъкид-

дават ишларини бажаришда иштирок этиш, эркин яшаш тарзи қандай ранг-баранг ҳо-дисаларни ўзида фойда этади.

Зеро, инсон ҳуқуқлари да-ражаси жамияти маърифийли-ги ва демократиялашганлиги-нинг биринчи даражали қўрастқичидир.

— Ҳалиям содасиз, омажон. Тан оламан, мен ҳам сафар тараддулида юрганларга ёрдам бермоқчи бўлдим-у эплаёлмадим. Олган пуллари қайтариш эса... шунча пулни қандай қилиб бериб юбораман? Ўйлай-ўйлай, йўлини топдим. Бахтимга МЧЖда ишлайдиган Зулайхо исмли аёл учраб қолди. Омаднинг қаранг-ки, унда думалоқ муҳр бошланган қайсидир банкка тегишли анчагина тоза қиванциялар бор экан. Пуллари олгач, шу қиванцияларга исм-шарифларни ёзиб берасан, ишончли бўлади деб ўйладим. Аввалига Зулайхо опа кўнмади. Яхшиям укамиз Одилжон бор экан. Ўша кўндирди.

— Ростданми? Ўзимизнинг Одилжон-а?..

Шу ерда опа-сингилни ўз ҳолига қўйса-да, Муассарнинг "фаолият"и бир назар ташласан. Ҳақиқатан ҳам Муассар ҳужжатларига нисбатан ахир пухта ишлаган. Масалан, 2007 йилнинг ёзида Наманган вилоятида истиқомат қилувчи Ш.Шукуров билан унинг бувишга ҳажга юборишни ваъда қилиб, бир-икки ой кутиб туришни айтди. Октябр ойида эса Ш.Шукуровни топиб, ҳаж

кишининг пулини тўлаш кераклигини, пулни ўзи тўлашини айтиб, уни ишонтирди. Нияти амалга ошадиганидан мамнун бўлган О.Каримов ҳеч иккиланмай, яна 4 миллион сўм пул келтириб берибди. Энди пулнинг қолганини ҳам қўлга киритиш керак эди. Муассар Ҳожиёва кўп ўйлаб ўтirmай, бу ишга ўғли Суҳробни ҳам жалб қилади. Ўғли билан керакли "тушунтириш ишлари"ни олиб боради, О.Каримовни топади ва унга пулнинг қолганини тўлаш вақти келганини, бу ишни эса Тошкентда амалга ошириш кераклигини айтади. Шу йўсини у билан ўғлини таништириб қўяди ва уларни пойтахтга жўнатиб, ўзи шу заҳоти телефон орқали укаси Одилжон ҳамда таниши Зулайхон билан боғланади. Ўз навбатида Одилжон жияни билан бирга келган О.Каримовни кутиб олади ва биргаликда 3.Қозоқованинг ёнига йўл олишади. Зулайхо ҳам анойилардан эмас экан. У расмий вакил сифатида О.Каримовни қабул қилиб, пулни олади ва иккита қиванцияни тўлдириб берибди. Пулни тўлаганидан хотиржам бўлган О.Каримов кетгач, тушган пулдан ўзининг фойзини олиб

дани қуюқ қилиб, аввалига икки киши учун 2 ярим минг доллар миқдориди устамани қўлга киритди. Сўнгра сафар харажатлари учун 6 миллион 900 минг сўмни тегишли банкнинг кассасига ўзи тўлашини айтиб, бу маблағни ҳам олади ва қиванцияни кейинроқ беришни ваъда қилади. Дарвоқе, бу пайтда Суҳроб онасининг қилаётган ишларини ўнчалик тушунмас-да, айтган топширигини бажариб келаётган эди. Шунинг учун Н.Орипов кетгач, онасидан нима ишлар бўлаётгани ҳақида сўрайди. Она ўғлига анча-мунча одамлардан ҳажга юбораман дея каттагина маблағ олганини, аммо бу мавсумда жўнатиш қўлидан келмаганини, пулларининг анчасини эса ишлатиб қўлганини айтиб, бошқаларга ҳам шундай ваъдалар бериб, улардан олган пуллар билан олдинги қарзларини ёлмоқчи бўлаётгани ҳақида гапириб берибди. Суҳробни бор гаплардан хабардор қилгач, унга янги топшириқ берибди. Унга кўра Суҳроб ҳозиргина Н.Орипов бериб кетган пуллари Тошкентдаги тоғасига олиб бориб бериши, Одилжон эса ўз навбатида 3.Қозоқовога учрашиб, қиванциялар ёздириб олиш керак бўлган. Суҳроб пойтахтга келгач, тоғасига онасининг гапларини айтиб берибди. Ундан пуллари олган Одилжон 3.Қозоқовани топиб, ростдан ҳам пуллар топширилган дея кўрсатилган икки донга қиванцияни тўлдириб бергач, маблағнинг 15 фойзини олиб қолди ва кейинчалик келишилганлидек Одилжонга 5 фойзини қайтарди. Суҳроб тўлган қиванциялар билан қўлга олган 5 миллион 700 минг сўмни онасига олиб келиб берибди. Муассар Ҳожиёва шу заҳоти Н.Ориповни топади ва ясама қиванцияларни унга тақдим этиб, хотиржам қилади. Пуллари эса ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.


Умуман олганда, бундай ҳолатлар қайта ва қайта такрорланган. Масалан, 2008 йилнинг январь ойида Б.Розиковдан отасини ҳаж сафарига юбориш учун дея 1.500 доллар ва 3 миллион 450 минг сўм, февралда Ф.Боймурзаевдан отаси учун 1.500 доллар ва 3 миллион 450 минг сўм, май ойида С.Солиев билан онаси учун 3 минг доллар ва сентябрда 6 миллион 900 минг сўм, Б.Шамсиевдан ўзи, онаси ва хотини учун 10 миллион 350 минг сўм ва яна бир қанча фуқаролардан ҳам бир неча минг доллар ҳамда ўн миллионлаб сўмни фирибгарлик билан қўлга киритганлар. Умумий ҳисобда эса, 23 нафар жабрланувчининг 125 миллион 767 минг сўм пулини ҳамда 27 минг АҚШ доллари миқдориди маблағини ўзлаштирганлар.

Ушбу жиноят иши жорий йилнинг август ойида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судида қўриб чиқилди. Айбдорларга қилишларига яраша жазо тайинланди ва улардан 20 нафарга яқин жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни солидартарида ундириш белгиланди.

Бир томондан қараганда, ҳаммаси жой-жойига тушгандек. Айбдорлар қилишларига яраша жазоландилар. Бирок масаланинг иккинчи томони ҳам бор-ки, жабрланувчиларга ҳам ачинасан, ҳам ҳайрон қоласан. Нима учун ачинашимиз маълум. Ҳайратларанли жиҳати эса юқорида қайд этганимиздек, эзгу ният билан фарз ҳисобланмиш ҳаж зиёратини ихтиёр этганларнинг ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган қонуний йўлдан, яратилган шарт-шароитлардан фойдаланмай, нафақат бу ишга ҳеч қандай ваколати йўқ, балки умуман алоқаси ҳам йўқ, қолаверса, амалда ҳам қўлимдан келмайдиган фирибгар кимсаларга ишониб қолганликларидир.

Саидхон МУХОТОВ,
Шайхонтохур туман
прокурорининг ўринбосари
Гофуржон АЛИМОВ,
"Huquq" мухбири

Диёнатини сотганлар



Ривоятларда айтилишича, инсоннинг жаннатдан ерга қувилишига ёлгон сабаб бўлган экан. Ўшанда шайтонни лайин Одам Атони алдай олмай, Момо Ҳавони йўлдан урган, у эса шайтоннинг ёлғонча ишониб, маън қилинган мевадан еб қўрган экан. Назаримизда инсоният шу-шу шайтондан ёлгон-яшиқни мерос қилиб, бошқаларни алдашни одамга айлантирган бўлса керак.

ганида беришини тайинлади. Орадан анча вақт ўтиб, Б.Сайдов алданганини сезиб қолгач, олган пулдан 2 миллионини қайтариб берди, холос. Шу ўринда эр-хотин Самодовлар билан С.Қамбаров берган пуллар нима бўлди, дерсиз? Бу ишда тегишли органларга қилинган мурожаат фойда берди. М.Ҳошимова дарҳол аввал С.Қамбаровнинг, сўнгра Қ.Самодовнинг уйига бориб, бор гапни айтиб берди ва ҳужжатлар билан пулнинг бир қисmini қайтариб берди.

"Чиллаки чиллакини кўриб чумак урибди" дейишади. Бунга қаранг-ки, М.Ҳошимованинг синглиси Муассар Ҳожиёва ҳам айнан шундай "удлабуронлик"да оласидан қолшмас экан. Бунга М.Ҳошимова 2008 йилнинг август ойида ўзиникига меҳмон бўлиб келган синглиси билан суҳбатлашиб ўтириб, амин бўлди. Маълум бўлишича, сингил ҳам шу кунгача бир қанча одамни ҳажга жўнатаман дея анча-мунча пул олиб қўйган экан.

— Сенга бир гап айтмайми, Муассар? Тўғрисишни айтсам, бир-икки танишларим ҳаж масаласида олдима келишганидан ёрдам бергим келди. Нима қилибди, шу баҳонада уч-тўрт сўмлик бўлиб қолсам ёмонми? Аммо қўлимдан келмади. Пулни бўлса олиб қўйганман. Қайтариб бераётганимда роса алам қилди. Сенга эса ҳайрон қолдим. Бу ишларни

мавсуми келганини, расмий тўловдан ташқари яна 1000 АҚШ доллари кераклигини айтди. Айтилган маблағ билан ҳужжатларини олгач, 10 ноябрда Ш.Шукуров билан Тошкентга йўл олади. Ш.Шукуров пулни масжид кассасига ўзи тўлайди. 1000 доллари эса М.Ҳожиёва хизмат ҳақи эвазига ўзига олиб қолади.

Биринчи иши кўнгилдагидек амалга ошганидан "руҳланган" М.Ҳожиёва аста-секин кейингиларига қўл уради. Декабрь ойининг охирида Наманган шаҳридаги автобекатда таниши О.Каримовни учратиб қолди. Ундан ота-онасини ҳажга юборишни ният қилиб юрганани эшитгач, дарҳол "ёрдам қўли"ни чўзди. Расмий тўловдан ташқари яна 3 минг долларлик устамани эшитган йигит аввалига ҳайрон бўлади. Аммо бу хабарни эшитган ота-онасининг қанчалар хурсанд бўлишини ўйлаб, рози бўлади. Хуллас, 2008 йилнинг январь ойида О.Каримовдан ҳужжатлар билан бирга 3 минг АҚШ доллари олган М.Ҳожиёва расмий тўлов вақти келиши билан ўзи хабар беришини айтди. Дарҳақиқат, орадан икки ойча ўтгач, О.Каримовни топган Муассар, бир киши учун тўлов 3 миллион 450 минг сўм эканлигини, ҳажга кетиш масаласини янада анкилаштириш учун айни дамда ҳеч бўлмаганда бир

қолади. Маблағнинг қолгани эса Одилжоннинг қўнатиладан ўрин топади.

Айтмоқчи, кези келганда Зулайхо Қозоқова ҳақида икки оғиз: масъулияти чекланган жамиятда маслаҳатчи бўлиб ишлайдиган бу аёлни ҳам мўмай даромад топиш илжини тўғри йўлдан оздирди. Бўлмаса, қайсидир таниши томонидан унутиб қолдирилган банкнинг тўлов қиванцияларини йўқ қилмай, улардан эзгу ниятдаги юртдошларининг маблағларини ўзлаштириш йўлида фойдаланарми! Эвазига эса ёзиб берган ҳар бир қиванциядан тушган пул маблағининг 10 фойзи миқдориди хизмат ҳақи олган. Уни бу йўлга бошлаган Одилжон Ҳошимовнинг ҳам "олғир"лигига тан бермасликнинг иложи йўқ. У 3.Қозоқовога бу ишнинг паст-баландини, фойдаланиш йўллари тушунтирар экан, ҳар бир иш учун маблағнинг 15 фойзини сўрашни, пулни олгач, 10 фойзини олиб қилиб, 5 фойзини унга бериши лозимлигини тайинлайди. Шу йўл билан О.Ҳошимов икки томондан манфаат қўради.

Опа-сингилларнинг "омад"ини қаранг-ки, содда одамлар уларнинг "тузоғи"га бирин-кетин илинаверишади. Энди навбат онаси билан ақсини ҳажга юборишни ният қилиб юрган Н.Ориповга келди. Уни уйда қабул қилган М.Ҳожиёва ваъ-

Аксариyat фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳалол иш юритиб, олган даромадларини ерларнинг унумдорлигини, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириб бориш, янги техника воситаларини харид қилиш билан бирга қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат дастурида қўзда тутилган қишлоқларда ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга сарфлашмоқда.

Бироқ, гуруч курмақсиз бўлмади, деганларидай, фикру ҳаёли жавоҳирга бурканишдан иборат бўлиб қолган айрим "деҳқонлар" ғайриқонуний ишларга қўл ураётган ҳолатлар ҳам учрамоқда.

Жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судининг мажлисида Мингбулоқ туманидаги "Сироч ота ССГ" фермер хўжалигининг собиқ раҳбари Гулчехра Расулованинг иши муфассал қўриб чиқилди.

Жомашой шаҳарчасида истиқомат қилувчи уйдабурон аёл 2003 йили "Фаргона ММТП" ҳудудиде фермер хўжалигини ташкил қилди. Расман у раҳбар бўлса-да, хўжалик ишларини унинг турмуш ўртоғи Сирожиддин Умарзоқов бошқарди. Ажратилган экин майдонларида пахта, дон, шолі еттиштирди. Бироқ, 2006 йили С. Умарзоқов бевақф вафот этди. Шундан сўнг фермер хўжалигининг бевосита Гулчехра Расулованинг ўзи бошқара бошлади.

2007 йили "Истиқбол" ММТП ҳудудидан фермер хўжалигига 36 гектар экин майдонларини қўшиб олишга муваффақ бўлди. Бу ҳақда туман ҳокимлигининг тегишли қарори қўлига теғди. Бироқ ушбу экин майдонларини сугориш муаммо, ариқдан сув келтиришни иложи йўқ эди. Сувни насосда тортиб чиқариш ҳаракатида тушди. Наманган вилояти насос станцияларини ва энергетика бошқармасининг Мингбулоқ ишлаб чиқариш бўлими бошлиғига учради.

— Экинларим қўриб кетяпти. Закантга сув тортадиган насос ўрнатиб беринг.

— Насосингиз, электр диванте-лингиз борми? — сўради бўлимага бошлиғи Анваржон Қодиров. — Уларни ўрнатиш учун электр сим-

ларини тортиш керак. Қувурлар ет-қириш, лоток ариқ қилиш керак. Бизда бу нарсалар йўқ. Ўзингиз топ-сангиз, ўрнатиб, ишга тушириб берамиз.

Орадан бир неча кун ўтиб, Гулчехра Расулова яна унинг ҳузурига келди.

— Айтган нарсаларингизни топиб қўйдим. Фақат электр трансформаторни иложини қила олмадим. Ўларингда бўлса, насосимни ўрнатиб, сув чиқариб беринг.

— Ортиқча трансформатор йўқ-да.

Аммо, қаловини топсанг, қор ҳам ёнади деганларидай, Гулчехра ҳоким трансформаторлик бўли-шининг йўлини ҳам топди. Анваржон Қодировни туман ҳокими йўқла-ди.

— "Сирож ота" фермер хўжали-ги ерларини қўриқ. Ўттиз олти гек-тарлик пахтаси сувсираб, қақшаб ётибди. Закан сувдан сугоришга қарашиб юборинг.

Шундан сўнг, 2007 йил июн ойида Анваржон Қодиров "Украи-на" деб номланган насос станция-сининг ёрдамчи хўжалиги биноси-га ўрнатиладиган трансформаторни вақтинча фойдаланиши учун "Сир-ож ота" фермер хўжалигига олиб берди. Мутахассислар трансформа-торни ўрнатиб, электр симларини тортиб, насосни ишга тушириб бе-ришди. Куз ойлари сугоришга эҳтиёж қолмаганидан сўнг у мута-хассисларга трансформаторни жо-йига қайтариб келтиришни буюрди. Бироқ "Сирож ота" фермер хўжа-лигининг 36 гектарлик экин май-дони четига ўрнатиладиган трансфор-матор жойида йўқ, ғойиб бўлган эди.

— Трансформаторни нима қил-дингиз? — Анваржон Гулчехрани учратиб сўроққа тутди. — Топиб

жойига қўйинг!

Уйдабурон аёл ватыани қуюқ қилди-ю, пуллаб юборган трансфор-маторни қайтаришни пайсалга со-лаверди.

Гулчехра "ишонтириш санга-



ГУРУЧДАГИ КУРМАК

ти"ни пухта эгаллаб, биринчи қўриб турган суҳбатдошининг ҳам қўйинни пуч ёнғоққа тўлдириб, ишини силлиққина битирадиган "ишбилармон"га айланди. Таниш-билишларига фермер хўжалигимга трактор олмақчиман, пича пул ет-маппти, дея оғиз солди. Абдуҳошим Исроилонинг қасби врач, марҳ-ум Сирожиддиннинг яхши билар, қарз сўраб келганида пул бериб, қўзда ўрнига арзон нархда шолі олган, фойда қўрган эди. Гулчех-раҳонга ҳам ўрнига шолі олиш шарти билан қарз берди. Абдуҳо-шимнинг ҳамқасби Башоратхон Қўнайсиновга шу вақтларда "Матиз" русумли машинасини сотган эди. "Пулни айлантириб, қўпайтириб олиш имконияти" оғининг ости-дан чиққандай туюлди, гўё. Бироқ у Гулчехраҳонни яхши билмасди. Шунинг учун Абдуҳошимдан фер-мер аёлини сўраб-суриштирди.

— Эрини даволаганман, қарз бе-риб ўрнига қай олганман, — деди А. Исроил. — Ўзим бировни ал-дамасди. Мен тўрт ярим миллион сўм қарз бердим. Ўзвизига қўзда 9 тонна шолі бердим. Бу ҳақда тил-хат ёзириб олдим.

А. Исроил Гулчехраҳонни Ба-шоратхон билан учраштириб қўйди.

2007 йил 19 июн куні Абдуҳошим-нинг гувоҳлигида Б. Қўнайсинова "тадбиркор" аёлга 10 миллион сўм берди. Гулчехра тилхат ёзиб "Сирож ота" фермер хўжалигининг штам-пи ва муҳрини босди. Тилхатда ол-ган пули ўзвизига қўзда хар-тоннаси учун 350 минг сўмлик нархда, жами 28 тонна-ю 500 килограмм шоліни бериб, ҳисоб-ки-тоб қилажагини ёлган эди. Бироқ, қарзга берган пули икки ярим баробардан зиёд бўлиб қайтишни ҳомчўт қилган Б. Қўнайсинова қўз келиб Гулчехраҳонинг уйи-га, иш жойига бир неча бор бориб учради. Аммо, "шолі ҳосили яхши бўлмади, ўрнига машина

олиб бераман", деган жавоб билан қайтаверди.

Ҳа, у айтгандай, Б. Қўнайси-нованинг уйига "Тикко" машинаси-ни келтириб берди. Бироқ унинг ҳужжатлари, олди-сотди шартнома-си йўқ эди. Шунинг учун Башо-ратхон машинани қайтариб берди. Орадан бир қанча вақт ўтиб, қайта содланган "Матиз" машинасини кел-тириб топширди.

— Мана, ҳужжатлари ҳам жой-жойида, — деди Гулчехра, — Бо-зордан ўн миллион сўмга сотиб ол-дим. Қолган қарзимни қўзда шолі ҳосилидан тўлайман. Энди тилхат-ни беринг, йигирма саккиз мил-лионни ўн тўрт миллион сўм қилиб ўзгартириб қўй.

Башоратхон тилхатни бергани-да, муҳр билан штамп машинада-деа, қўчага чиқиб машинага ўти-риб, оғ, қочиб юборди.

Бирини икки қилиш илн-жн-ида 4,5 миллион сўм қарз бериб, э-вазига 9 тонна шолі олишни режа-лаштирган А. Исроил ҳам Гулчех-раҳоннинг ёлғонлари гирдобига ўралашиб қолаверди.

Ҳисоб-китобга ақд етадиган, ўқимишли икки нафар инсонни чўв туширган Гулчехра Расулова уч на-фар фуқароларни фермер хўжали-

гига ойига етмиш минг сўмдан маош тўлаш, қўзда 1 тоннадан шолі бериш шарти билан ишга олган эди. Бироқ ишчиларга иш ҳақларини тўламади. Шолі ҳам бер-мади.

2008 йил май ойида Азизбек Муродовда гуруч борлигини билиб қўлиб, уйига борди. Беш кунда пу-тинни қилиб бераман деб алдаб, сал-кам саккиз тонна гуручни олиб кет-ди. А. Муродовни пулини бермай, ўн бир ой мобайнида лақиллатиб юрди. У ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ари қилажагини айти-нидан кейингина, 2009 йил апрель ойида ўн ярим миллион сўмни тўлади.

Суд мажлисида Г. Расулова ай-бини қисман тан олди. 36 гектар экин майдонини сугориш учун насос ўрнатаётганида қарзга бот-гани, қарзини шолі ҳосилидан тўламоқчи бўлгани, бироқ тўлиқ тўлай олмагани, олган пуллари-ни бўлиб-бўлиб қайтараётганини баён этди.

Суд унинг важларига танқидий ёндашди. Фуқароларни ишончига қилиб, улардан олган пуллари-ни жиноят иши қўзғатилгунга қадар икки-икки ярим йил мобайнида тўламасдан алдаб юрган, фибриб-гар-ликдан иборат жиноятни содир эт-ган Г. Раҳимовга ахлоқ тўзатиш ишлари жазосини тайинлади. Шу билан бирга ундан фуқароларга ет-казилган салкам ўттиз миллион сўм зарарни ундиришни лозим, деб топди. Муайин муддатта мансабдор-лик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиди.

Шу ўрнида айтиш жоизки, жаб-риланганларнинг ўзларида ҳам айб бор. Бели оғримай, қўлидаги маб-лагини икки-уч ҳисса қўпайтириб олишга иштиёқмандлар фибриб-гар-нинг тузогига тушиб қолибди. Қўллари билан бериб, оёқлари би-лан югуришди. Улардан фарқли, ақл-идрок билан иш қўрувчи фу-қаролар қарз олди-бердирсини те-гишли тартибда шартнома тузиб, нотариал тасдиқлаб расмийлашти-ришмоқда.

Дилшодбек АБДУЛЛАЕВ,
Мингбулоқ туман прокурорининг
ёрдамчиси

У шаҳар ҳокимлиги қошидаги "Фар-гона транспорти" бошқармасига ҳу-қуқшунос бўлиб ишга жойлашибоқ-босар-тусарини билмай қолди. Шундан-ми, ўзининг хизмат ваколати доира-сига қирмайдиган "йўналишлар"да ҳам "фаоллик" кўрсата бошлади. Бошқарма бошлиғининг кўрсатмаси билан бир-икки лицензиясиз йўловчи ташини билан машғул енгил машиналарни аниқ-лаш тадбирларида иштирок этгач, аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиш фаолиятини ли-цензияловчи "Ширин Азиз кўрки" хуусейи фирмаси-нинг раҳбари Улугбек Жу-раевни "нишон"га олди.

— Мен ҳужжатсиз одам ташитган ҳайдовчиларни аниқлаб, фирмага аз-во бўлишлари учун олдингизга жўнатиб тураман. Ўзвизига пича "узатиб турасиз", деди.

Улугбек чайналган эди, "бўпти, бир-биримизга ишимиз тушади-ку", дея писанда қилди.

У. Жураев ноқилоқ унинг шартига кўнди. "Келишув"га биноан шу йил ян-варь-февраль ойларида ҳуқуқшунос Абдурашид Раҳимов икки марта ўн беш минг сўмдан "хизмат ҳаққи"ни олиб кетди. Ош устида иштаха очил-ди, деганларидай шундан сўнг ҳуқуқшунос анчагина далайлашди.

Навбатдаги рейд чоғида, "Фаргона транспорти" бошқармаси ва ИХХБ хо-димлари билан бирга шаҳардаги теннис корти ёнида учта йўловчини аэропорт тарафдан шаҳар марказига олиб бораёт-ган "ДАМАС" русумли машинани тўх-татишди. Марипжон Тошпўлатовнинг ҳай-довчилик гувоҳномаси, технаспортига эътироз туғилмади. Бироқ йўловчи та-шишга лицензияси йўқ эди.

— Мошини тўзатириб қайтаёт-гандим, қўл кўтаришганида миндириб олдим, — деди ҳайдовчи Марипжон.

— Аслида қирақашлик қилмайман, шу-нинг учун лицензиям йўқ.

Аммо, машинасида марказга элтиб қўйишни сўраган йўловчилар ўтириш-ган эди. Абдурашид Раҳимов шаҳар солиқ инспекциясига телефон қилиб, бир-иккита нозир юборишларини сўра-ди. Етиб келган нозирлар бундай вако-латта эга эмасликларини айтиб, дало-латнома тузишмади. Шунга қарамай, Марипжоннинг машинасини шаҳар-нинг "Текстиль" мавзесида жойлашган

ХУҚУҚБУЗАР

ХУҚУҚШУНОС

автоуол турар жойига ҳайдаб бориш-ди. Қоровулга русатсиз машинани чи-қариб юборманг, дея буйруқ беришди.

Марипжон катта қўчага чиқиб, мар-шрут таксини тўхтатди. Омадини қаран-ки, "ДАмас" ҳайдовчиси Қаҳрамонжон таниши эди. Унга бўлган воқеани ай-тиб берди.

— Абдурашидни танийман, — деди Қаҳрамон.

Сўнгра қўл телефонида Абдурашид билан гаплашиб, у билан учрашишга келишиб олишди.

Улар келаси куні автопаркда қўришилди. Марипжон ўзининг тани-ши билан Абдурашиднинг "юмшатиш"га ҳарчанд уринишмасин, барибир гап чала қолаверди. Шундан сўнг Қаҳрамон имо қилиб, Марип акани машинадан тушиб туришини сўради.

— Икки юз минг берсин, моши-насини олиб кетаверади, — деди ҳуқуқ-шунос ёлғиз қолишганида.

Марип аканинг ёнида бунча пул йўқ эди. Шунинг учун Қаҳрамонга қирқ минг сўм берди. Бироқ Абдурашид кўнмади.

— Икки юз мингта иши битади. Бит-та ўзимга эмас...

Марипжон орадан икки кун ўтиб Қаҳрамонга телефон қилди.

— Абдурашидни топиб, айтганини берайлик, — деди.

— Гаплашиб қўрайлик-чи.

Абдурашид ўзича "эҳтиёткорлик" қилди. Пулни Қаҳрамонга бериб қўйишни тайинлади.

"Саноят коллежи" ёнида машинаси-да пулни олган чоғида қўлга тушган "воситачи" ўз хоҳиши билан тадбирда иштирок этажагини билдирди.

Хуқуқшунос А. Раҳимов ўша куні тагин "ов"га чиққан эди. Бироқ, ИХХБ ходим-лари билан учраша ол-магани учун бу гал "ов"и бароридан келмади. Икки шериги би-лан А. Навойи қўчасидаги охинонда тушлик қилаётганида Қаҳрамон ҳам уларга келиб қўшилди. Чойхўрликдан кейин танишининг "Нексия" маши-насига ўтиришганида, орқа ўриндиқда ун-дан 120 минг сўмни санаб олди.

— Буни чорраҳаддаги газета дўкони-га бериб қўйинг. Мен кейин олиб кета-ман.

Қаҳрамон машинадан тушар экан, нимадандир шубҳаланган Абдурашид пуллари машина деразасидан сочиб юборди. Айнан ўша пайтда у қўлга олинди.

32 ёшли ҳуқуқшунос суд жараёнида айбига иқдор бўлди. Шунингдек, унинг товламачиликдан иборат айби гувоҳлар кўрсатмалари, далиллар билан ўз ис-ботини топди.

Суд А. Раҳимовга уч йил муддатта озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Миржало Содиқов,
Фаргона вилоят прокураторасининг
алоҳида муҳим ишлар бўйича
терговчиси

"КЎКНОРИ"НИНГ КАСОФАТИ

Бугун гиёҳвандлик дунё миқёсидаги муаммога айлган кезд айлрмларнинг унинг нечоғли хавф-ли эканини англаб етмаётганликлари тавбишлан-лидир. Бухоро вилояти Ёғиждувон тумани Кассобон маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи, 1922 йилда



туғилган Жамила Ниёзова (исм-фа-милياسي ўзгарти-риб берилмоқда) наркотик билан боғлиқ жиноятга қўл урди. У ўз то-морқасида 100 тул "кўкнори" гиёҳванд ўсимлигини қо-нунга хилоф ра-вишда парвариш-

лаган. Туманда ўтказилган "Қорадори-2009" тадби-рининг самараси ўлароқ ушбу "ажал уруғлари"ни йўқотишга муваффақ бўлинди.

Жамила Ниёзованинг суддаги кўрсатмасига кўра, у кўкнорини оғир "астма" касаллигини даволаш мақ-садига ўстирган. Албатта, хар бир инсон ўзининг соғ-лиғи учун курашишни керак. Лекин, Ж. Ниёзованинг бундай усулдаги кураши унинг жиноят қўчасига би-либ-билмай йўл олишига сабаб бўлди. Судланувчи-нинг бу қилмиши қонунга хилоф, албатта. Бироқ, айбдорнинг кексалиги, муқаддас судланмаганлиги, оилавий шароити, қилмишинида пшайимонлиги ино-батта олиниб, унга ЎЗР ЖКНинг тегишли моддалар-ига кўра жазима жазоси белгиланди.

Гиёҳванд моддалар биргина инсонни эмас, бал-ки бутун инсониятни аянчли ҳолатга олиб борувчи оғу. Бу ҳолатда биргина Ж. Ниёзова эмас, балки унинг оиласидагилар ҳам маълум маънода айбдордирлар. Атар улар бир-бирларидан оғо бўлиб турганларида балки бу жиноят содир бўлмаслиги мумкин эди.

Ҳамид СОХИБОВ,
Ёғиждувон туман прокурори ёрдамчиси
Дилноза УРИНОВА,
Ўз ДСИ талабаси

Хабарингиз бор. Берлин девори қулаган кун — 9 ноябрь ҳар йили германияликлар томонидан байрам сифатида нишонлаб келинади. Душанба кунни ана шу санининг йиғирма йиллиги кенг тантана қилинди.

Тарихдан маълумки, 20-асрнинг иккинчи ярми НАТО блоки ва Варшава шартномаси ташкилотини ўртасида кечган "совуқ уруш" билан ўтди. "Совуқ уруш"нинг яққол рамзи сифатида дунёда машҳур бўлган Берлин деворини кўрсатиш мумкин. Бу девор немис халқини кўп йиллар давомида иккита ажратиб турди.

Берлин девори 1961 йилнинг 13 августда Варшава шартномаси давлатларининг таклифига (1961 йил 3-5 август) биноан ГДР Халқ палатасининг 1961 йил 11 август кунги қарорига асосан барпо этилган. Ўз "ҳаёти" даврида девор бир неча марта қайта қурилган ва тақомиллаштирилган. 1989 йилга келиб бу девор 106 километр узунликдаги, ўрта ҳисобда баландлиги 3,6 метри бетон тўсиқдан иборат бўлган. Ўз навбатида унинг ичига 66,5 километри ташкил этган металл тўр, 127,5 километри электр қуввати остидаги сигналли тўсиқлар, 105,5 километри қайланган хандақлар, айрим жойларда танкларга қарши қурилмалар, 302 та соқчи миноралари ва бошқа чегара қурилмалари, 14 сантиметрли темир тишли мосламалар ҳамда излар билиниши учун доимо текислаб туриладиган қум тўшамалари кирган. Бундай тўсиқлар дарё ва сув ҳавзалари орқали ўтадиган чегара жойларда бўлмаган, холос. Дастлаб 13 та назорат-ўтказиш пунктлари ташкил этилган бўлса, 1989 йилга келиб уларнинг сони 3 тагача қисқарган.

БЕРЛИН ДЕВОРИ

1989 йилнинг 9 ноябрда оммавий чиқишлари натижасида ГДР ҳукумати Фарбий Берлин билан алоқалардаги чекловни бекор қилди, 1990 йилнинг 1 июлидан эса умуман чегара назоратини олиб ташлади. 1990 йилнинг январь-ноябрь ойлари мобайнида барча чегара қурилмалари бузиб ташланди. Фақат "совуқ уруш"нинг энг ёрқин рамзи сифатида ушбу деворнинг 1,3 километрлик қисми ёлғирлиқ тарзида қолдирилди.

Девор қурилишига қадар Берлиннинг фарбий ва шарқий қисмлари ўртасида чегара очик эди. Ажратиб турувчи чизик 44,75 километри ташкил этиб, (Фарбий Берлин ва ГДР ўртасидаги чегара ҳудудининг умумий узунлиги 164 километрга тенг бўлган) тўри кўчалар ва уйлар, каналлар ҳамда сув йўллари орқали ўтган. Бундан ташқари, юзлаб ноқонуний ўтиш йўллари мавжуд бўлган. Кунига икки шахар ўртасидаги чегарани 300 минг кишидан 500 минг кишигача кесиб ўтган.

1989 йилнинг май ойига келиб, Совет Иттифоқида ўтказилаётган "қайта қуриш" сиёсатининг таъсири натижасида Венгрия фарбий қўнниши Австрия билан чегарасини очиб юборган, минглаб шарқий германияликлар Фарбий Германияга ўтиб олиш мақсадида Европанинг қатор давлатларига йўл ола бошлади.

1989 йилнинг 11 сентябрда Венгрия ҳукумати ўз чегараларини очиб юборганини расман эълон қилган, Берлин деворининг ҳеч қандай аҳамияти қолмади. Ҳатто кунда Венгрия ҳудуди орқали ГДРнинг 15 минг фуқароси фарбага чиқиб кетди. Мамлакатда оммавий намойишлар авж олди.

Ва ниҳоят, 1989 йилнинг 9 ноябрь кунни Шарқий Германия вақти билан кечки соат 7 дан 34 дақиқа ўтганда телевидение орқали намойиш этилган матбуот конференциясида сўзга чиққан ГДР ҳукумати вакили Гюнтер Шабовски мамлакатга кириб-чиқишнинг янги тартибини эълон қилди. Қабул қилинган қарорга мувофиқ 1989 йилнинг 10 ноябрдан ГДР фуқаролари Фарбий Берлин ва ГФРга ташириб буюриш учун визаларини ҳеч бир бюрократик тўсиқларсиз олишлари мумкин бўлади. Юз минглаб шарқий германияликлар эртани кутмасдан, 9 ноябрнинг ўзида чегара томон юра бошлади. Тегишли буйруқларни олмаган чегарачилар дастлаб оммавий тўхтатишга уриндилар, бироқ оммавий босимга йўл бериб, чегарани очдилар.

Шу тариқа 1989 йилнинг 9 ноябри расман Берлин девори қулаган кун деб эътироф этилди.

Девор ҳар хил жойлардан бузилиб, кўплаб расмлар ва ёзувлар билан безалган ҳолда сақланиб турди. Берлинликлар ҳамда шахарга ташириб буюрган меҳмонлар деворнинг кичкина бўлсада бир парчасини эсдалик учун олиб кетишга ҳаракат қилишарди. 1990 йилнинг октябрда собиқ ГДР ерлари ГФРга қўшилди ва Берлин девори бир неча ойда бузиб ташланди. Фақатгина 1,3 километри қисми тарихнинг бир бўлаги сифатида сақлаб қолинди.

Девор бузилганидан сўнг унинг қўллаб бўлакларни савдо объектга айланди. Деворнинг кўпгина бўлаклари АҚШга олиб келинди. Масалан, "Microsoft" корпорацияси офисида, Марказий разведка бошқармасининг Лэнглидаги бош қароргоҳида, Рональд Рейган музейида девор парчалари сақлаб келинапти.

Ҳар йили 9 ноябрь кунни немислар учун бирлашиш байрами сифатида нишонланади, десак муболага бўлмади. Ахир, уруш оқибатида юзага келган девор ота-онани фарзанддан, акани укадан, опани сингилдан, бошқа қавму-қариндошларни бир-биридан ажратиб қўйган эди. Шу боис, 9 ноябрь Германия халқининг энг катта ва азиз байрамларидандир. Бу йил Берлин девори қулаганига 20 йил тўлди. Бу тантаналар жаҳоннинг деярли барча оммавий ахборот воситалари орқали намойиш этилди.

Дилмурод ЭШМУРДОВ тайёрлади

"ВАШИНГТОНЛИК МЕРГАН" ҚАТЛ ЭТИЛДИ

10 ноябрь кунни "вашингтонлик мерган" Жон Аллен Мухаммад 2002 йилда содир этган бир қатор қотиллик жиноятлари учун қатл этилди. Виржиния штатидаги "Гринсвилл" ахлоқ тузатиш марказида маҳкумнинг томирига нафас олишни ва юрак уришини тўхтатадиган дори жўнатилди. Жон Аллен Мухаммад Москва вақти билан соат 5:11 да дорулбақога рикхлат қилди. Мухаммад қатл этилган турма вакилининг айтишича, у ўлимидан олдин ҳам, турмада бўлган даврида ҳам руҳий касалликка чалинганлиги ҳеч кимга ҳеч нарса демаган. Жон

Аллен 2002 йилда Вашингтон шаҳрида эллик уч ёшли Дин Майерени ўлдиргани учун ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. Америка пойтахти ҳудудида ҳамда Виржиния ва Мэриленд штатларида яна тўққиз кишининг жонига қасд қилгани учун унга олти марта умрбод қамоқ жазоси белгиланган эди. Душанба кунни АҚШ Олий суди Мухаммаднинг адвокатлари қўйган ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги талабни рад этди. Ҳимоячилар қотил руҳий касалликка чалинганлиги ҳеч кимга ҳеч нарса демаган. Жон

Аммо Мухаммаднинг ўзи Виржиния боти прокурори га ёзган хатига унга бериладиган ўлим жазосини бекор қилмаслигини ўтганиб сўраган. Жон Алленнинг шериги Ли Бойд Малво жиноят содир этилганда эндигина ўн еттига тўлганлиги боис олти марталик умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди.



ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗДАН ЧИҚИШНИНГ БЕШ ЙЎЛИ

Германия Федератив республикаси канцлери Ангела Меркель мамлакатнинг тараққиёти эътиришнинг беш банддан иборат дастурини тақдим этди. Меркель хоним бундестагда чиқиш қилиб, коалицион ҳукуматнинг яқин тўрт йилга мўлжаллаган стратегиясини баён қилди. "Тараққиёт. Бунёдкорлик. Бирлик" деб номланган ҳужжатда ҳукуматнинг бешта йўналиш бўйича амалга ошириладиган ишлари кўрсатиб берилган. Масалан, иқтисодий инқироз оқибатларини тугатиш, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини қайта tikлаш, жамиятнинг ёнги оид чегаралов тизимини ўзгартириш муаммоларини ҳал этиш, табиий бойликлардан фойдаланишнинг тартибга солиш, янги хавфлар таҳдид солиб турган бир пайтда фуқаролар эркинликларига риоя қилиш билан хавфсизлигини таъминлаш ўртасида мувозанатли қарор топтириш шулар жумласидандир. Канцлер хонимнинг таъкидлашича, ҳукуматнинг асосий вазифаси Германияни "яшаш учун яроқли мамлакатга айлантириш"дан иборатдир. Буннинг учун эса содир бўлган инқирозни батафсил таҳлил қилиб чиқиш керак. Зеро, инқироз туғайли Германиянинг молия бозорлари ҳам, аҳолиси ҳам ҳозирча ўзига келгани йўқ. Ҳозирги иқтисодий инқироз XX-асрнинг 70-йилларидан бошлаб мамлакатда юзага келган энг катта инқироздир. Бозорларини қайта tikлаш учун эса тактик ва стратегик чора-тадбирларни аралаш ҳолда амалга ошириш лозим бўлади. Канцлер хоним янги, соатби билан ўринларини барпо этиш йўли билан аҳолининг бандлик даражасини сақлаб қилишга ҳамда солиқларни камайтириш сиёсатини амалга оширишга ердан беришни таъкидлаб ўтди. Бироз илгарироқ Германия ҳукумати солиқларни камайтириш лойиҳасини маъқуллашган эди. Бу лойиҳа давлатга фақат 2010 йилнинг ўзида 6,1 миллиард еврога тушади, яъни шушча пул давлат хазинасига келиб тушмайди.

Консерваторлар ва либераллардан иборат янги "қора-сарик" коалицион ҳукумат 27 сентябрда бўлиб ўтган сайловлар натижасида шакллантирилган. Ангела Меркель Федерация канцлери лавозимига қолди.

АЭРОПОРТ РАҲБАРЛАРИ ҲИБСА


"Тбилиси халқаро аэропорти" акциядорлик жамияти директори ва бухгалтерия Грузияда қўлга олинди, деб хабар беради "Грузия Online" ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари хабарларида асосланган ҳолда. Константин Камушадзе ва Давид Кобахидзе 1,5 миллионлари (тахминан 890 000 доллар) бюджет маблағларини ўзлаштиришда қўлга олинди. Уларнинг иккаласи ҳам 9 ноябрь кунни ўз кабинетларида қўлга олинди. Грузия ОАВлари воқеаларнинг тафсилотлари ҳусусида лом-мим дегани йўқ. Бундан 2 йил аввал Тбилиси аэропорти реконструкция қилиниб, барча ишлар учун тахминан 90 млн. доллар сарфланган эди. 2007 йилдан бери эса аэропорт Туркиянинг TAV-Urban Georgia компанияси бошқарувидандир.



МУҲАББАТ ВА РАШК

Собиқ астронавт аёл Лиза Новак 2007 йилда NASA ходимига ҳужум қилганини тан олди. Новакнинг ўз айбини тан олганини инобатга олган суд астронавт аёлини бир йил муддатта шартли қамоқ жазосига ҳукм қилди. Айблов томони эса Новакка камидан беш йил шартли қамоқ жазоси бериш талаб қилган эди. Новакнинг ишини кўриб чиққан Флорида округ суди астронавт аёл зиммасига бундан бўён ўзининг рақибаси, NASA ходими Колин Шипман билан мулоқотга киришни ман қилди. Бундан ташқари, у ўзининг ҳамкасби Билл Офилейн билан ҳам турли гап-сўзларга бормаслиги лозим, негаки, маълум бўлишича, аёллар шу эракани деб, жанжаллашиб қолишган. Новак Колин Шипмандан ёзма равишда кечирим сўраши керак. Собиқ астронавт аёлга чиқарилган ҳукмда уч кунлик қамоқ жазоси ҳам тилга олинган. Терговчиларнинг айтишича, астронавт Билл Офилейн билан учрашиб юрган Новак уни NASA ходими Колин Шипманга рашк қилиб, 2007 йил 5 февраль кунни Орландо аэропортида аёлга ҳужум қилган. Шипман дарҳол полицияга хабар берганлиги сабабли Лиза Новак қўлга олинган. Новак бошқариб келган машинада пневматик пистолет, резина қўлқоплар, болга ва бошқа бир қатор предметлар топилган. Тахмин қилинишича, астронавт аёл рақибасини ўғирлаб кетмоқчи бўлган. Шунинг учун аввал бошда Новакка оламини ўғирлаб кетишга қасд қилиш, уриб жароҳат етказиш, ўзганининг уйига ноқонуний бостириб кириш ва далилларни йўқотишга ҳаракат қилиш айблари қўйилган эди. Аммо кейинчалик оламини ўғирлаб кетишга қасд қилиш айби олиб ташланди. Қамалганидан бир неча ҳафта ўтгач, Новак NASAдаги ишидан ҳайдалди. Билл Офилейн ҳам бошқа ишга ўтиб кетишга мажбур бўлди. 2007 йил август ойда астронавт аёлининг иши судга оширилди. Аммо у пайтда астронавт аёл "Мен Шипман билан шунчаки гаплашиб олмақчи эдим" деган баҳонада айбини буйига олмаганди. Новакнинг адвокатлари астронавт хонимни қўлга олишда қонун талаблари бузилган деган баҳонани рўқча қилдилар. 2008 йилда апелляция суди ҳукми томонининг нуқтани назарини қисман маъқуллади. Новак қўлга олингандан кейин амалга оширилган олти соатлик сўроқ протоколлари судда инобатга олинмайдиган бўлди. Чунки сўроқдан олдин Новак хоним бир сутка давомида ушламанган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари эса ундан кўрсатма олиш учун турли таъйиқлар ўтказган экан.

САВДО КЕМАЛАРИ ҲИМОЯСИ



Украина дунё океанининг хавфли ҳудудларидан ўтадиган ўзининг савдо кемаларини ҳимоя қилиш учун махсус хизмат бўлиналари жалб этадиган бўлди. "Сегодня" газетасида ёзилишича, Украина Ташқи ишлар вазири Пётр Порошенко бу ҳақда хабар қилган. "Давлат бюджетидан молиялаштирилмаган Украина махсус хизмат бўлиналари энди Украина байроғи қўтарилган ҳамда украиналик денгизчилар хизмат қиладиган кемаларни ҳам ўз ҳимоясига оладилар" деб тушунтирди вазири. Унинг сўзларига қараганда, 2010 йилдан бошлаб ҳукумат савдо кемаларини қўролли муҳофаза қилиш учун маблағ ажратади. Украиналик денгизчилар хизмат қилаётган чет эл кемаларига эса махсус хизмат бўлиналари ўша мамлакатлар ҳукуматлари билан тегишли битимлар тузилгандан кейин қўйилади. "У мамлакатларнинг руҳсатисиз биз кемаларга қўролланган бўлиналари чиқара олмаймиз" тушунтирди вазири. Чегаралардан ташқарида қўролли қўчалардан фойдаланиш учун Рада тегишли қонун қабул қилишга керак. Порошенконинг ваъда қилишича, "қонун қабул қилингандан кейин қўролланган Украина махсус хизмат бўлиналари денгиз қароқчиларининг жазосини бериш учун йўлга отланадилар". 2009 йил март ойда Украина Хавфсизлик Кенгаши раҳбари Валентин Наливайченко "Украинанинг қўролланган ва энг янги техника воситалари билан жиҳозланган "Альфа" гуруҳи ходимлари денгиз қароқчилари билан курашиш мақсадида Аден бўғози томон йўл олади", деб ваъда берган эди. Аммо ҳозирги кунгача Украина Хавфсизлик Кенгаши махсус хизмат бўлиналарининг денгиз қароқчиларига қарши ўтказилган операцияларда иштирок этганилиги ҳусусида биронта маълумот эълон қилинмади.

Интернет хабарлари асосида Йўлдош ПАРДА тайёрлади

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси нозир Камолитдин Юлдашевга онаси Сайёра ЮЛДАШЕВАНING вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

Хурматли тadbиркорлар ва ишбилармонлар!

Хужжатларнинг ҳар бир varaғи талабгорнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим. Тажавватларни қабул қилиш муддати ўтганидан сўнг олиб келинган тақдиф қабул қилинмайдۇ.

"Шум бола" фильмини кўпчилигимиз яхши биламиз ва севиб кўраемиз. Мазкур кинодаги ҳар бир воқеа ва жумлаларни деярли ёддан биламиз. Кинодаги образлардан бири, яъни ўғирлар бошлиғи (Ҳамза Умаров ижросида) бозорда моҳирлик билан бировнинг ҳаминини ўзлаштирган сажани яхши эслаймиз. Тўғри, муаммосиз амалга оширилган кассавурликка нисбатан моҳирлик сўзини ишлатишнинг ўзи галати. Бироқ моҳирлик деймиш, усталиким, барибир кассавурларнинг қилмишларига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Эгасига билдирмасдан унинг ҳаминдан, сумкасида ёки чўнтагидан пулларини олиб қўйиш махсус тайёргарлик ва маҳорат талаб қилади. Шундай кассавурлар бўладики, қўлдаги соат ёки бўйиндаги занжирни билдирмасдан ечиб олишлари мумкин. Жиноят оламида кассавурларнинг алоҳида ўрин тутиши ҳам шундан бўлса керак.

Кузатувлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда катта шаҳарларда чўнтаккасарлар ҳали ҳамон ўз "маҳоратларини" амалга ошириб туришдан бўлса-да, аввалги "қўли гул" кассавурлар жуда кам. Ҳозирда бундай жиноятлар асосан "ўлжа"ларнинг бепарво ва лоқайдчилигидан фойдаланган бозорлар, нарқоманлар, худлас, енгил пул топишни таллаган майда жиноятчилар томонидан амалга оширилмоқда.

Кассавур фокусчи каби қўл эччиллиги, профессионал спортчи каби реакция ва совуққонлик ҳамда актёрлик қобилиятларига эга бўлиши керак. Кассавурлик жиноятлари асосан гуруҳ бўлиб амалга оширилади. Бундай гуруҳларда асосий "иш"ни бир киши амалга оширса, қолганлари "ўлжа"ни жалғитиш ва жиноят жойидан қочиб кетишга қўмаклашадилар. Кассавурлар омма тўпланиб турган барча жойларда кирдиқорларини амалга оширишлари мумкин. Бундай жойларга асосан

навбатларни, айниқса, тиқилчин навбатларни киритса бўлади. Бироқ мазкур жиноятчиларнинг сеvimли ва сермахшўл жойлари ҳам бор. Булар савдо марказлари, бозорлар, жамоат транспортлари ва умумий овқатланиш муассасалари.

Бундай жойларда кассавурларни оддий мижозлардан ажратиб олишнинг иложи деярли йўқ. Бу иш фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг мана шундай жиноятларга қарши курашувчи махсус ходимларнинг қўлидан келади. Сумка ёки ҳаминидаги нима борлигини илғаб олмоқчи бўлган кишининг ташқи кўриниши унинг жиноятчи эканлигидан далолат бермайди. Бироқ шунга қарамас-

рухнинг жалғитувчи аъзоларидан бири эканлигини унутмаслик лозим.

Эътибор берган бўлсангиз, транспортда кишилар асосан бир-бирларига юзма-юз турмасликка ҳаракат қиладилар. Агар биров сизга яқин келиб бошқа ҳолатда туриш имкони бўлишига қарамадан юзма-юз туриб олса, устига устак қўлидаги бирор бир буюмни банд қўтариб турса ёки қўлида очик турган журнал, китобини сизга деярли тираб турса эҳтиёт бўлинг. Агар бу киши ростдан ҳам кассавур бўлса, у бемалол сизнинг ички чўнтақларингизни ҳам шилиб кетиши мумкин.

Кўча-кўйда биров сиздан маълум бир жой, манзил қаердали-

ган усулларидан бири.

Кассавурлар "ўлжа"ни жалғитиш ва унинг ҳамини "енгиллаштириш" мақсадида турли-туман усуллардан фойдаланадилар. Уларнинг барчасини билиш ёки сезиш жуда мушкул. Бироқ юқорида келтирганимиздай, зийракликни унутмасдан ва бўшашмасдан баъзи қондаларга амал қилас эканмизга яхши.

Оммавий транспортда сумкангизни одатдагидай оққангизга, ёнингизга осмасдан қўчоқлаб ёки қўлтиқлаб олинг. Айниқса, транспорт воситасига чиқиб ва тушишда зийракроқ бўлинг.

Орқа чўнтақларга дастрўмол ёки тароқни солган маъқул. Ўзингиз ва пулларингиз учун энг

бундан асло уялманг.

Савдо марказлари ва бозорларда эса аксинча, ҳаминингиздан намоийҳаскорона пул чиқаришга ҳаракат қилманг. Ҳисоблашиб бўлганингиздан кейин эса, аввал, ҳаминингиз ёки пулингизни ишончли жойга солиб бўлгач, кейин харидларингизни жойлаштиринг.

Ҳаминингиз ва пулларингизни



ЎЗИНГГА ЭҲТИЁТ БЎЛ, БИРОВНИЙ ЎҒРИ ТУТМА



гини суриштира, айниқса, қўлидаги харита ёки манзил ёзилган қоғозни яқинроқ кўрсатишга ҳаракат қилса, карточка ва шунга ўхшаш бошқа бўшашманг. Айниқса, бу ҳолатда икки киши бўлиб, бири харита

ишончли жой ички чўнтақлардир. Агар улар тугма ёки замок билан ёпиладиган бўлса, ундан ҳам хариша ёки

Имкон қадар ўзингиз билан ортқича пул олиб юрмасликка ҳаракат қилинг. Ҳаминингизни турли гувоҳнома, ташрифнома, харатка қилса, карточка ва шунга ўхшаш бошқа бўшашманг. Айниқса, бу ҳолатда икки киши бўлиб, бири харита

Пул ва ҳужжатларни чўнтагингиз ёки сумкангизга алоҳида ҳолда солинг.

Агар ёнингизда катта пул миқдорини олиб юришга тўғри келса, уларни бир неча қисмларга бўлиб, турли чўнтақларга солишга ҳаракат қилинг.

Ресторан ва кафеда устки кийимингиз, сумкангизни илб қўйишга тўғри келса, у ердаги қимматбаҳо нарсаларни шимингизнинг чўнтагига солиб олинг ёки ўзингиз билан қолдингиз.

Мобил телефонни белда турувчи осон очиладиган қармонда олиб юришни кассавурларга олдиндан тайёрланган совға деб биллаверинг.

Транспортда кета туриб, сумкангизни ва ҳаминингизни кўздан кечириб туринг. Бу ишни намоийҳаскорона қилишга ҳаракат қилиб,

сумка (пакет)даги харидларингиз устига солманг. Акс ҳолда улардан кассавурларнинг "ердамисиз" ҳам айрилиб қолишингиз мумкин.

Агар кимнингдир ҳаракати сизни шубҳага солса, унга умумий бир савол билан муносабат қилинг ёки бўлмаса, синчковлик билан назар солиб тураверинг. Мабоодо у киши кассавур бўлса, у сизнинг чўнтагингизга тушишга такрор ҳаракат қилмайди.

Худло кўрсатмасин, кассавур қурбонига айлансангиз, дарҳол милицияга хабар қилинг. Тезкор тадбир ёки "қайноқ из" орқали айбдорни топшиб енглироқ кечад.

Оммавий жойларда ҳаёлга берилманг. Зийрак кишилардан ҳатто кассавурлар ҳам ҳайқишади.

Яна бир "олтин қонда" борки, уни қўлингиздан чиқариб қўямиз: "Ўғрини бекорга васвасага солма". Қимматбаҳо буюмларни (айниқса, мобил телефонларни) кўз-кўз қилмаган маъқул. Заруратсиз пулларингизни чиқаришмиш, яна етмагандай атрофдагилар олдидан уларни санаб қўйишмиш ортқича. Сумкангизда қимматбаҳо телефон, ҳаминингиз ёки чўнтагингизда қанча пул борлигини билган кассавур сизга ёпишмасдан кимга ёпишин.

Ўзимизга эҳтиёт бўлайлик.

ТЕМУРБЕК

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ПАНД ЕМАС

Бундан анча йиллар аввал кишлоққа боришимда дардманд онамга "Бешёғоч" даҳасидаги дорихоналардан қимматбаҳо дори олишга тўғри келган эди. Дорини қўлга олиш асосида ҳаёлимдан ўтгани шу бўлди: "Агар чекни бермаса, сўраб оламан". Ҳарқалай сотувчи дорига қўшиб чекни ҳам берди. Дори билан тенг ҳолатда чекни ҳам авайлаб, кишлоққа жўнадим. Олиб бориб шифокорга кўрсатганимизда, у бу дори беморга энди керак эмаслигини, бошқа дори лозимлигини айтди.

Пойтахтга қайтгач, ўша дорихонага келиб, чек билан дорини сотувчига қайтариб

топширмоқчи бўлганимда у бунга кўнмади.

Индамай чиқиб кетдим ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш марказининг Тошкент шаҳар бўлимига кўнғорқ қилиб, уларга дорихонанинг манзилини айтдим. У ердигилар эртага дорихонага бориб, пулимни қайтариб олишим мумкинлигини билдиришди.

Эртасига борсам, сотувчи индамай пулимни қайтариб берди. Пулни олар чоғида бирданга ҳаёлимдан "яхшиям чекни сақлаган эканман" деган ўй ўтди. Шундан буён оила аъзоларимга ҳар гал "дўкондан бирор нарса харид қилсанг, чекни олишни унутма, у сенинг ҳуқуқинг" дея таъкидлайдиган бўлдим.

ПЛАСТИК КАРТОЧКА ОРҚАЛИ САВДО

Ўтган куни укам уйга бир дўкончидан ёзириб келди. Айтишича, у чой олиш ниятида бир дўконга кирибди. Сотувчи эса 1000 сўм нари-берисида турувчи чойни тўтқиза туриб, пластик карточка орқали ҳақ тўламоқчи бўлиб турган укамга "ха-

рилингиз 2000 сўмдан кам бўлса, пулни нақд тўлайсиз" дебди.

Пластик карточка орқали савдо-сотик ҳақида ҳали тўлиқ маълумотга эга бўлмаган укам шу воқеадан сўнг бу борада тўла маълумот олиш пайда юрибди.

Шерали НИШОНОВ,

журналист

ОБУНА — 2010

Ҳурматли газетхон!

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бугун олдимида турган устувор вазифалардан эканлиги маълум. Бу жараён барча ҳуқуқий наشرлар қатори "HUQUQ" газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкламоқда.

Шу маънода, "HUQUQ" газетаси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақолалар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Шунингдек, тахририятимизда йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир муносабат эътибориз қолмайди.

2010 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамқорингиз бўлиб қолади.

ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV,
Bahridin VALIYEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo

G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

233-10-53.

Faks: 233-64-85, 233-10-53.

E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida

2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi — 231

ISSN 2010-7617

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart, Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma J-8403. 21 382 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriliv va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi-dizayner: S.BOBONOV
Nabatchi muharrir: M. DUSIYAROVA
Nabatchi: G. ALIMOV
Musahhir: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy. Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.

Sotuvda
kelishilgan narxda